O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI

УШБУ СОНДА:
2 ИҚТИСОДИЁТ ЭРКИНЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР
3 XXI АСР НАФАСИ воқеалар, хабарлар, тафсилотлар
ТЕНДЕРДА НОҲАҚЛИК ЎТМАЙДИ
4 БОҚИЙ ҲАЁТ СИРИ

MEZON:

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчиларининг миқдорий таркиби ҳовлилар, уйлар, кўчалар, маҳаллалар, мавзелар ва даҳалардан вакилликни ҳисобга олган ҳолда фуқаролар йиғини томонидан белгиланади.

16-модда

Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) маслаҳатчилари вазифасига номзодлар фуқаролар йиғини кўриб чиқиши учун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) томонидан тақдим этилади.

17-модда

«ФУҚАРОЛАР ЙИҒИНИ РАИСИ (ОҚСОҚОЛИ) ВА УНИНГ МАСЛАҲАТЧИЛАРИ САЙЛОВИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

№ 23 (478) 2006 йил 13 июнь сешанба

Сотувда эркин нархда

Ogohlik zarurati

Ўз фуқаролари тақдирига бефарқлик. Мавжуд қонунларни менсимаслик. Демократиянинг танқислиги. Бу содда таърифлар "лаёқатсиз давлат" тушунчасининг мазмун-моҳиятини тўлиқ ифодалаб беради десак, муболаға бўлмайди. Американинг кўзга кўринган файласуфларидан бири Ноам Чомскининг фикрича, Америка Қўшма Штатлари вақт ўтган сари худди ана шундай давлатга айланиб бораяпти. Файласуф яқинда нашрдан чиққан китобида АҚШ ҳукуматининг мамлакатни инқирозга етаклаётган кирдикорларини очиб ташлади, Америка сиёсатида кўзга ташланаётган хато ва камчиликларни қаттиқ танқид остига олди.

Қуйида Ноам Чомскининг ушбу асаридан кичик бир парчани эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДЕМОКРАТИЯ ТАНҚИСЛИГИ

АҚШ инқирозига сабаб бўлмоқда

Аҳоли турмушини яхшилаш, инсон ҳуқуқларини таъминлаш масалалари бугунги куннинг энг долзарб муаммоларидан бирига айланиб бораяпти. Бу муаммолар миллионларнинг, қолаверса, бутун башариятнинг келгуси тақдирига бефарқ бўлмаган ҳар бир кишини ташвишга солиши табиий. Зеро, бу муаммоларнинг ечими нафақат фаровон ҳаёт кечиришимиз, балки омон қолишимиз билан ҳам бевосита боғлиқ. Ядровий уруш, экологик ҳалокат ва қудратли давлатнинг ушбу жарлик томон қулашимизни тезлаштираётган хатти-ҳаракатларини келажагимизга хавф солаётган хатарлар рўйхатининг энг авваригa қўйсак, тўғри бўлади. Таъкидлайман: гап ҳукумат ҳақида бораётир, бундай сиёсатга асло қўшилмайдиган халқ ҳақида эмас!

Натижада нафақат америкаликлар, балки жаҳон афкор-оммасининг жиддий эътиборига молик яна бир муаммо – жамоатчилик фикри билан давлат сиёсати ўртасида кескин тафовут юзага келаяпти. Бу шунчаки қўл силтаб қўйиб бўлмайдиган хавотирларга сабаб бўлаяпти. Гар Альперович ўзининг **"Америка капитализмдан сўнг"** китобида ҳақли равишда таъкидлаб ўтганидек, **Америка "тизими"га нимадир бўлаётгани аниқ – унинг ҳозирги ривожланиш босқичида анъанавий қадриятлар: тенглик, озодлик ва чинакам демократиянинг қалокатини кузатиш мумкин.**

Шу ўринда юзинг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама, деган мақол ёдга тушади. Дарҳақиқат, баъзи-баъзида ойнага қараб туриш, унда акс этган нуқсонлардан кўз юммаслик учун ҳам катта жасорат керак. Агар ўзимизда ана шундай жасорат топа олсак, бизнинг ватанимизга ҳам "лаёқатсиз давлат" тамғаси урилганини ошкора тан олишимизга тўғри келади.

Тарихга назар ташланг. Мамлакатимизда **"демократия танқислиги"** ҳар гал АҚШ маъмуриятининг жабр-зулмга тўла бу дунёни демократия билан "бахтли қилиш"дек олий вазифаси ҳақидаги баёнотлари кучайган пайтда пайдо бўлганига гувоҳ бўласиз. Ҳукуматимиз баёнотларидаги эзгу мақсадлар ҳамиша ёлғонга йўғрилган, десак янглишамиз. Бу биз кўриб чиқаётган масалага ҳам тааллуқли. Ҳукумат маълум шарт-шароитларда давлат бошқарувининг демократик шаклини инкор этмайди. Хорижий давлатларга келганда эса, **"демократияни экспорт қилиш"** сиёсатининг ашаддий ташвиқотчиси Томас Карозернинг таъбири билан айтганда, **"қатъий изчиллик" мавжуд: дунёда давлатимизнинг стратегик ва иқтисодий манфаатларига хизмат қиладиган демократиядан ўзга демократия бўлиши мумкин эмас, тамомвассалом. Ҳукуматимиз ўзининг ички сиёсатида ҳам ушбу таълимотга амал қилиб келмоқда.**

Бироқ бу сиёсат ҳамиша ҳам ўз самарасини бераверган. Фикримизни исботлаш учун Ироқнинг босиб олиниши қандай оқибатларга олиб келганини эслаш кифоя. Буш маъмурияти ироқликларнинг АҚШ манфаатларига салбий таъсир кўрсатмайдиган даражада мустақил сиёсат юритишларига хайрихоҳ эди. Шу тариқа Ироқ белгиланган чегаралардан чиқмайдиган **"мустақил ва демократик"** давлатга айланиши керак эди. АҚШ маъмурияти Марказий Америкада синовдан ўтган анъанавий схемага асосланиб, Ироқни тобе мамлакатга айлантириш компаниясини бошлаб юборди.

Аммо Ироқдаги ўта қулай шарт-шароитларга қарамай, кўзланган мақсадлар Буш маъмурияти истаганчалик осонлик билан амалга ошмаслиги аён бўлиб қолди. Ироқ босиб олингач, мамлакатга маълум бир маънода мустақиллик бериш ҳамда қаттиқ назоратни сақлаб қолиш билан боғлиқ муаммолар кескин тус олди — аҳолининг оммавий қаршилиги босқинчиларни ироқликларга белгиланганидан кўпроқ ташаббус беришга мажбур қилди. Натижада жуда қалтис вазият юзага келди: энди нисбатан демократик ва мустақил Ироқнинг Вашингтонга қарам бўлмаган ва дунё нефть заҳираларининг каттагина қисмини назорат қиладиган Эрон, шунингдек, Ироқ ва Саудия Арабистони шиалари яшайдиган ҳудудлардан иборат норасмий альянсга аъзо бўлиб кириш хавфи кучайди.

Аслида, вазият бундан ҳам ёмон. Европанинг АҚШ таъсиридан қутула олмаслигига кўзи етган Эрон бутун эътиборини Шарққа қаратиши ҳеч гап эмас. Мазкур муаммо бўйича етакчи мутахассислардан бири Селиг Харрисон юзага келган вазиятни шундай таҳлил қилади: **"Эрон ҳамда Европа Иттифоқи ўртасидаги музокаралар Европа Иттифоқининг АҚШ томонидан жиловлаб турилгани боис амалга ошмай қолди". "Битимга кўра, — дейди Харрисон, — Эрон уранни бойитишни тўхтатиши, Европа Иттифоқи эса унга хавфсизлик кафолатини бериши керак эди. «Ўзаро мақбул битим, дейилганди ушбу ҳужжатда, нафақат Эроннинг ядровий дастури фақат тинч мақсадларда фойдаланилиши кафолатларини ўзида мужассам этиши, балки шу билан бир қаторда хавфсизлик масалалари бўйича қатъий мажбуриятларни ҳам қамраб олиши керак эди».**

(Давоми учинчи бетда)

ТАДБИРКОРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

иқтисодий тараққиётга улар қўшаётган ҳиссани оширади

Кичик ва хусусий бизнесни ривожлантириш, тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва эркин фаолият юритишини таъминлаш мамлакат иқтисодиётини юксалтиришнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига янада кенгроқ имтиёз ва шароитлар яратиб беришни турмушнинг ўзи тақозо этаётир. Бунга жавобан 2003 йил 1 октябрдан кучга кирган Вазирлар Маҳкамасининг "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги қарори асосида тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг ягона тартиби жорий қилинди.

Мазкур қарор ўз вақтида қабул қилингани боис, у тадбиркорларга жуда кенг имкониятлар яратиб берди. Маълум бўлишича, ҳатто айрим ривожланган давлатларда, масалан, Германия ва Австрияда ҳам бундай тез фурсатда давлат рўйхатига олиш тартиби устида энди иш олиб борилаётган экан. Бошқа кўплаб мамлакатларда ҳалигача бундай тартиб жорий қилинмаган бир пайтда давлатимиз қонунларни такомиллаштириб, тадбиркорлар учун қулай шарт-шароитлар яратишни кўзлаб, қарорлар қабул қилаётгани ўз самарасини бермоқда — тадбиркорлар сони йилдан-йилга ошиб, бугунги кунда мамлактимизда 310 мингдан ортиқ кичик бизнес субъектлари юзага келди.

Президентимиз ташаббуслари билан ишчанлик муҳитини яратиш, солиқ юкини пасайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқариш ҳажми юқори суръатларда ўсиб, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2005 йилнинг биринчи чорагидаги 28,2 фоиз ўрнига 30,1 фоизгача кўпайди. Адлия вазирлиги ва унинг ҳудудий бошқармалари бюрократик тўсиқларни бартараф этиб, қонун устуворлиги таъминланишини доимий назорат қилиб бормоқда. Афсуски, айрим мансабдор шахслар томонидан тушунмовчилик боисданми ёки шахсий манфаат илинжидами, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишда сунъий тўсиқлар пайдо қилинаётганига доир ҳолатлар ҳам учрамоқда. Хусусан, 2005 йил якуни бўйича таҳлилларга мурожаат этсак, республика бўйича 2794 та ҳолатда, 2006 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича эса 694 ҳолатда рўйхатдан ўтказишда қонунбузарликка йўл қўйилгани аниқланди. Бундай қонунбузарликларни кўпроқ Сирдарё вилояти (230 та), Фарғона вилояти (122 та), Қорақалпоғистон Республикаси (57 та) ва Андижон вилоятларида (52 та) учратиш мумкин. Қонунга зид ҳаракатларни бартараф этиш борасида вилоят ҳокимликлари билан ҳамкорликда аниқ чора-тадбирлар белгиланиб, уларнинг ижроси бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Шу ўринда таъкидлаб утиш керакки, аниқланган қонунбузарликлар бўйича айбдор мансабдор шахсларга нисбатан қонуний чора кўришни сўраб судларга жами 4813 та даъво аризаси киритилиб, 4,4 миллиард сўмлик ва 2346 АҚШ доллари миқдорида моддий ва маънавий зарар ҳамда йўқотилган фойда тадбиркорларга ундириб берилди. Шунингдек, 55 нафар мансабдор шахс лавозимидан озод этилди, 84 нафар мансабдор шахс маъмурий ва 23 нафар мансабдор шахс жиноий жавобгарликка тортилди.

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишдаги бюрократик тўсиқларни бартараф этиш йўли билан уларга янада қулай шарт-шароитларни яратиш мақсадида 2006 йил 24 майда Президентимизнинг **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"**ги қарори қабул қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

Qonun va qadriyat

Яқинда бир ҳуқуқшунос дўстимиз билан суҳбат асносида гап айланиб, бурч тушунчасига тақалди.

– Бурч – тушунарли, Конституцияда белгилаб қўйилган олтита бурчни ҳаммамиз яхши биламиз, – деди у киши.

Суҳбатдошимизнинг расман шундай дейишга ҳаққи бор. Чунки Конституциямизнинг 26 бобидан биттаси – XI боби айнан "Фуқароларнинг бурчлари" деб номланади.

БУРЧ

Бурч – кенг тушунча.

Келинг, яхшиси, аввал Конституциямиз махсус бобидаги бурчни эслатиб ўтайлик:

48-моддага биноан, фуқаролар Конституция ва қонунларга риоя этишга, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилишга мажбур.

49-модда фуқароларни Ўзбекистон халқининг тарихий, маънавий ва маданий меросини авайлаб-асрашга ундайди, чунки маданият ёдгорликлари давлат муҳофазасида.

50-модда фуқароларга атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш масъулиятини юклайди.

51-моддада фуқаролар қонун билан белгиланган ва маҳаллий йиғимларни тўлашга мажбурлиги қайд этилади.

52-моддага кўра, Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчи, шунинг учун фуқаролар қонунда белгиланган тартибда ҳарбий ёки муқобил хизматни ўташга мажбур.

Аслида, Конституция – ҳуқуқ ва бурчлар тўплами. Ҳуқуқ бор жойда бурч ҳам бўлади, бу икки тушунча ҳамиша ёнма-ён юради. Айтайлик, 54-моддада фуқарога мулкдорлик ҳуқуқи берилган. У **"мулкига ўз хоҳишича эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади"**. Лекин бу ҳуқуқ фуқарога шу билан бевосита боғлиқ алоҳида бурч ҳам юклайди: **"Мулкдан фойдаланиш экологик муҳитга зарар етказмаслиги, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқларини ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги шарт"**.

Фуқаро – жамият аъзоси. У қаердадир раҳбар ё ходим, кимгадир ота ё она, эр ё хотин, ўғил ё қиз, тоға ё амаки, хола ё амма, ака ё ука, опа ё сингил, бажа ё овсин, устоз ё шогирд, жиян, невара, қўшни, қуда ва ҳоказо.

Буларнинг бари кишига бурч юклайди.

64-моддада ота-оналар бурчи қайд этилган: улар **"ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар"**.

Чунки, ахир, фарзанд ҳали ёш, ўзини ўзи боқиш, ўзини ўзи тарбиялаш имконига эга эмас.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil ko`zgusi

Кейинги йилларда мамлакатимизда устувор вазифа саналган фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун изчил саъй-ҳаракатлар олиб борилмоқда. Мазкур йўналишда таъсирчан ва самарали механизмлар қўлланилмоқда. Натижада қишлоқда мулкдорлар тоифаси шакллана бошлади. Фермерларда ерга эгалик туйғуси қарор топди.

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

Бугунги кунда фермер хўжалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади. Фермер эса мулкдор, ернинг ҳақиқий эгаси саналади.

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Бухоро вилоятида бўлганида қишлоқ хўжалиги соҳасида ривожланган давлатларда синовдан ўтиб, ўзини оқлаган самарали йўлни — фермерликни танладик, деб бежиз таъкидламади.

Бухоро туманида экин майдонлари тўлиқ фермерлар ихтиёрига берилган. Туманда пахтачилик, ғаллачилик ва боғдорчиликка ихтисослашган 1250 дан зиёд фермер хўжаликлари фаолият юритяпти.

Тумандаги Янги ҳаёт қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги фермер хўжаликлари ҳаёти билан танишган давлатимиз раҳбари бир гуруҳ фермерлар билан суҳбатлашди.

— Ана шу суҳбат чоғида Президентимиз қўлини олдим, — дейди деҳқонларга хос камтарлик ва завқ-шавқ билан «Фани Пўлат» оилавий фермер хўжалиги раҳбари Субҳон Ғаниев. — Хўжалигимизда ўн икки нафар киши меҳнат қилади. Бизнинг эркин фаолият юритишимиз учун барча қонуний асослар, имкониятлар яратилаётгани ишимизда қўл келмоқда. «Пловчанка» нави экилган 25 гектар буғдойзорнинг ҳар гектаридан 50 центнердан ҳосил олишга аҳд қилганмиз. Ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун Машина трактор парки билан шартнома ҳам тузиб қўйганмиз. 16,5 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 45 центнер ҳосил етиштириш ниятидамиз. Юртбошимизнинг фермерлар ўз бурчига, жамиятга муносабатини ўзгартириши керак, деган сўзлари зиммамиздаги масъулиятни янада оширди. Мулкдорларга билдирилган юксак ишончни оқлаш, ер унумдорлигини ошириш, юрт бойлигига бойлик қўшиш учун куч-ғайратимизни аямаймиз.

Дарҳақиқат, келажак — фермерларники экан, уларни қўллаб-қувватлаш, мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш долзарб вазифадир. Бугунги кунда ер участкалари фермер хўжаликларига имкон қадар ягона мавзе бўйича, контурлар яхлитлиги сақлаб қолинган ҳолда берилаяпти.

(Давоми иккинчи бетда)

Xabar

Адлия вазирлиги ҳайъатининг 2005 йил 27 октябрдаги 34-сонли қарори билан тасдиқланган **«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органлари тўғрисида»**ги Низомга мувофиқ фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идораларида иш юритиш тартибини белгилайди.

Йўриқнома туғилганлик, никоҳни қайд этиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, никоҳдан ажратиш, ўлимни қайд этиш, фамилия, исм, ота исмини ўзгартириш, далолатнома ёзувларини тиклаш, ФҲДЁ идора архивидан тақрорий гувоҳномалар ва бошқа маълумотлар бериш, далолатнома ёзувига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, гербли гувоҳномаларни ҳисобга олиш, сақлаш ва сарфлаш тартибларини белгилайди.

Ҳидоят ЖЎРАЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

ЯНГИ ЙЎРИҚНОМА

Оила — жамият бўғини. Унинг мустаҳкамлиги ва баркамоллиги жамият равнақи учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис уни барпо этиш учун қўйиладиган илк қадам, яъни никоҳнинг қонуний қайд этилишидан тортиб, то ҳаёт кечириши давомида амалга ошириладиган оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг барчаси жамият диққат-эътиборида бўлади. Бу борада ФҲДЁ идораларининг фаолияти ҳам ўзига хос ўрин эгаллайди. Яқинда қабул қилинган янги йўриқнома никоҳни қайд этувчи идоралар фаолиятига яқиндан кўмак бериши шубҳасиз.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси томонидан Адлия вазирлиги Ҳайъатининг 2006 йил 22 апрелдаги 10-сонли қарори билан тасдиқланган ҳамда 1564-сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларида иш юритиш тартиби ҳақидаги янги тахрирдаги Йўриқнома ижро учун қабул қилинди.

Вилоят адлия бошқармасида мазкур йўриқнома муҳокамасига оид кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди. Унда вилоятнинг барча туман, шаҳар ФҲДЁ идоралари раҳбарлари, иш юритувчилари, фуқаролик ҳолати далолатнома ёзувларини қайд этиш ваколати берилган қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари иштирок этишди.

Йиғилишда Адлия вазирлиги Нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура бошқармаси бош маслаҳатчиси Г.Бобожонова иштирокчиларни Йўриқнома билан таништирди.

Янги тахрирдаги йўриқноманинг амалиётга татбиқ этилишидан кўзда тутилган асосий мақсад фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш идоралари фаолиятини янада такомиллаштириш, иш юритишнинг ягона услубини жорий этиш, ҳужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштириш, фуқароларга ҳуқуқий хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда иш унумдорлигини оширишдан иборатдир.

Мазкур Йўриқнома Оила кодекси, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 12 апрелдаги 171-сон қарори билан тасдиқланган **«Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш қоидалари»**га,

Muloqot

ТАВСИФНОМА НИМА?

Тавсифнома нима? У ким томонидан ва қандай шахсларга берилади? Тавсифномада муҳр ва имзо бўлиши шартми? Қандай ҳолларда тавсифнома ҳақиқий ҳисобланмайди? Борди-ю шахс жиноят содир этган бўлса, унга қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан бериладиган тавсифномага ким томонидан имзо чекилади ва унга муҳр ҳам қўйиладими?

Дониёр АБЗАЛОВ,
Яккабоғ тумани

— Бу саволга жавобан шуни айтиш жоизки, тавсифнома — шахснинг хизмати, жамоат ва бошқа фаолиятларидан гувоҳлик берувчи расмий ҳужжатдир. Тавсифнома раҳбарият, маъмурият томонидан ишга ва ўқишга жойлашаётган шахсларга берилади.

Тавсифномада раҳбариятнинг, яъни тавсифномани берган шахснинг имзоси ва ўша маъмурият ҳамда ташкилотнинг муҳр бўлиши шарт.

Агар шахс жиноят содир этган бўлса-ю, унга қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан тавсифнома берилиши шарт бўлса, бундай ҳолда тавсифномага уни берган фуқаролар йиғини раиси имзо чекиб, муҳр қўяди.

Имзо ва муҳрсиз тавсифнома ҳақиқий ҳисобланмайди.

ИЖОДИЙ ТАЪТИЛ БЕРИЛАДИ

Мен педагог сифатида фаолият юритаман. Агар зарурат туғилса, дарслик ёки ўқув-услубий қўлланмалар ёзиш учун ижодий таътилга чиқишим мумкинми?

Н.ЖАЛИЛОВА,
Андижон шаҳри

— Меҳнат кодексини амалга ошириш учун зарур бўлган меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги қарорининг 7 иловасига мувофиқ, давлат олий ўқув юртлари, илмий-тадқиқот муассасалари ходимларига олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот Илмий кенгашининг тавсияномасига кўра, дарсликлар ёки ўқув-услубий қўлланмалар ёзишлари учун асосий иш жойларидан ижодий таътил берилади.

Иш муаллифлар жамоаси томонидан ёзилса, ижодий таътил муаллифлар жамоасининг барча аъзолари томонидан тасдиқланган ёзма ҳолдаги аризага кўра, муаллифлар жамоаси аъзоларидан бирига берилади.

Ижодий таътил тамом бўлгач, муаллиф олий ўқув юрти, илмий-тадқиқот муассасасининг Илмий кенгашига қўлёзма ҳолидаги ишни, асосий иш жойидаги муассаса, корхона, ташкилотнинг раҳбарларига эса ишнинг тугалланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни топширади.

ҚАЛБАКИЛАШТИРИШ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

Баъзан кўча-куйда кимнидир ҳужжатларни сохталаштиргани ҳақида эшитиб қоламиз. Айтинг-чи, бундай хатти-ҳаракат учун қонунда қандай жазо чоралари белгиланган?

Лобар СУЛТОНОВА,
Фарғона вилояти

— Ҳа, бундай ноқонуний ҳаракат учун қонунда жазо чоралари белгиланган. Хусусан, Жиноят кодексининг 228-моддасида ҳужжатлар, штамплар, муҳрлар, бланкалар тайёрлаш, уларни қалбакилаштириш, сотиш ёки улардан фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага мувофиқ: **«сохталаштирувчининг ўзи ёки бошқа шахс берадиган ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган расмий ҳужжатлар тайёрлаши ёки расмий ҳужжатларни қалбакилаштириши ёхуд бундай ҳужжатларни сотиши, шундай мақсадларда корхона, муассаса ёки ташкилотнинг қалбаки штамплари, муҳрлари, бланкаларини тайёрлаш ёхуд сотиш,**

- энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса:

— икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ҳужжатнинг қалбаки эканлигини била туриб, ундан фойдаланиш:

- энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

ХАЙР-ЭҲСОН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИМИ?

— Кўпгина ташкилот, маъмуриятлар болалар уйи, қариялар уйига хайр-эҳсон қилишади. Мени қизиқтирган савол шундан иборатки, бундай хайр-эҳсон ҳам қонуний расмийлаштириладими?

Х. РАЗЗОҚОВ,
Навоий шаҳри

— Фуқаролик кодексининг 511-моддасида хайр-эҳсон ҳақида сўз юритилган бўлиб, ушбу моддага мувофиқ, умумфойдали мақсадларда қилинган ҳадя хайр-эҳсон ҳисобланади.

Хайр-эҳсон фуқароларга, даволаш, тарбия, ижтимоий ҳимоя муассасаларига ва шунга ўхшаш бошқа муассасаларга, хайрия илмий ва ўқув муассасаларига, фондларга, музейлар ва бошқа маданият муассасаларига, жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларга, шунингдек, давлатга ва бошқа фуқаролик ҳуқуқи субъектларига қилиниши мумкин.

Хайр-эҳсонни қабул қилишга бирор кимсанинг рухсати ёки розилиги талаб қилинмайди.

Хайр-эҳсон қилувчи мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилганида бу мол-мулкдан маълум бир мақсадда фойдаланишни шарт қилиб қўйиши лозим, юридик шахсларга хайр-эҳсон қилганда эса бу шартни қўйиши мумкин. Бундай шарт бўлмаганида мол-мулкни фуқарога хайр-эҳсон қилиш оддий ҳадя деб ҳисобланади, қолган ҳолларда эса хайр-эҳсон қилинган мол-мулкдан ҳадя олувчи унинг вазифасига мувофиқ фойдаланади.

Аниқ мақсадда фойдаланишга мўлжалланган хайр-эҳсонни қабул қилиб олаётган юридик шахс хайр-эҳсон қилинган мулкдан фойдаланиш бўйича амалга оширилган операцияларнинг алоҳида рўйхатини юритиши лозим.

Агар хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадда фойдаланиш вазият ўзгарганлиги туфайли мумкин бўлмай қолса, мулкдан бошқа мақсадда фақат хайр-эҳсон қилувчининг розилиги билан, мол-мулкни хайр-эҳсон қилган фуқаро вафот этган бўлса ёки мулкни хайр-эҳсон қилган юридик шахс қайта ташкил этилган ёхуд тугатилган бўлса — суд қарорига мувофиқ фойдаланиши мумкин.

Хайр-эҳсон қилинган мулкдан хайр-эҳсон қилувчи кўрсатган мақсадга зид ҳолда фойдаланиш ёки ушбу мақсадни мазкур модданинг олтинчи қисми қоидаларини бузган ҳолда ўзгартириш хайр-эҳсон қилувчига, унинг меросхўрларига ёки бошқа ҳуқуқий ворисига хайр-эҳсон бекор қилишни талаб қилиш ҳуқуқини беради.

Саволларга ҳуқуқшунос Саломат НИЁЗОВА жавоб берди

ЭЪТИБОР ВА МАСЪУЛИЯТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Участка чегаралари суғориш тармоқларига, коллекторлар, йўллар ва бошқа топографик элементларга қараб белгиланяпти. Фермер хўжалигига берилаётган ер участкаси бошқа ердан фойдаланувчилар учун ноқулайликлар туғдирмаслигига эътибор қаратиляпти.

Афсуски, баъзи ҳолларда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Ер участкаларини фермер хўжаликларига узоқ муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида»**ги Низом талабларига қатъий амал қилинмаяпти.

Келинг, шу ўринда аниқ бир мисолга эътиборингизни қаратайлик.

Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 декабрдаги **«2005-2007 йилларда фермер хўжаликларини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарорига асосан Жондор туманидаги Ибн Сино номидаги ширкат хўжалиги тугатилиб, унинг негизида фермер хўжаликлари ташкил этилган. Шу муносабат билан «ЎзДавлойиҳа» институтининг Бухоро вилояти филиали томонидан ширкат хўжалигининг ер участкалари қайта ўлчовдан ўтказилиб, фермер хўжаликлари ташкил қилиш учун ер участкалари лойиҳалаштирилган. Мазкур лойиҳаларга асосан туманда ер участкалари бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича комиссия талабгорлардан аризалар қабул қилган. Комиссия фермер хўжалигига ер участкалари бериш бўйича танлов ўтказган.

Лоло қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Лукмон қишлоғида яшовчи Тўлқин Толибов 14-лойиҳа бўйича 45,7 гектар ер участкасига танловда қатнашиш учун ариза берган ва танлов ғолиби, деб эътироф этилган.

Хўш, талабгор қонун доирасида ўтказилган тендерда ғолиб чиққан, бирор ҳужжат сохталаштирилмаган, дала-деҳқончилик ишларида суяги қотган бўлса, фермер хўжалиги ер участкасига ҳуқуқини расмийлаштиришга ҳақли эди-ку? Гап шундаки, ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси номаълум сабабларга кўра, 2005 йил 25 январда ноқонуний 8-сонли баённома расмийлаштириб, Тўлқин Толибовга 40,8 гектар ер участкаси ажратиб бериш тўғрисидаги хулосага келган. Мазкур хулосага асосан Жондор тумани ҳокимининг 2005 йил 28 январдаги 38-сонли қарори қабул қилинган. Туман ҳокимининг мазкур қарори вилоят ҳокимининг 2005 йил 14 февралдаги 39-сонли қарори билан тасдиқланган.

«Ният» фермер хўжалиги раҳбари Тўлқин Толибов ер участкаларини бериш (сотиш) масалаларини кўриб чиқиш бўйича туман комиссияси томонидан асоссиз равишда ерни камайтиргани учун ёрдам сўраб вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси, Ибн Сино номидаги ширкат хўжалигининг тугатиш комиссиясига мурожаат қилган.

Унинг талаблари ўзил-кесил ҳал этилмагач, фермер шу йил 30 январда Жондор тумани ҳокимининг 2005 йил 28 январдаги 38-сонли қарорига ўзгартириш киритиб, ўзига тегишли 45,7 гектар ер участкасини тўлиқ ажратиб бериш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилди.

Суд жараёнида аниқланишича, тугатиш комиссияси «Ният» фермер хўжалигига тегишли 5,8 гектар ер майдонини Жаббор Саломов раҳбарлик қилаётган «Қодирова Моҳтоб» фермер хўжалигига танловсиз ажратиб берган. Ҳолбуки, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 30 октябрдаги қарори билан тасдиқланган **«Ер участкаларини фермер хўжаликларига ижарага бериш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 2-бандида **«Ер участкалари фермер хўжаликларига танлов асосида ижарага берилади»**, деб қайд этилган.

Жавобгар — туман ҳокимлиги вакили эса даъвони тан олмасдан, фермер хўжалиги раҳбари танловда тугатиш комиссиясига ариза билан мурожаат қилиб, танловда ғолиб бўлса ҳам, ер майдонидан сув йўлларини ҳисобга олиб, майдонларни аввал фойдаланаётган эгаларига беришга розилигини инобатга олиб, даъвогарга 39,9 гектар ер майдони ажратилгани тўғрисида важ келтириши кишини таажжубга солади. Наҳотки, вакил Ер кодексининг 53-моддаси, 8-хатбошисида **«фермер хўжалиги юритиш учун фуқароларга ер участкалари бериш тартиби қонун ҳужжатлари билан белгиланиши»**-ни англаб етмаган бўлса?

Суд жавобгар — Жондор туман ҳокимлиги зиммасига 2005 йил 28 январдаги 38-сонли қарорга «Ният» фермер хўжалигига ажратилган ер майдони 45,7 гектар, «Қодирова Моҳтоб» фермер хўжалигига ажратилган ер майдони 32,6 гектар деб ўзгартириш киритиш мажбуриятини юклади. Шу тариқа «Ният»нинг нияти ушалди.

Лекин лоқайдлик, сансоларлик қилинмаганида 5,6 гектар ер тақдири ҳокимликнинг ўзида ҳал этилиши ва фермер шунча пайт овора бўлмаслиги ҳам мумкин эди.

Аслини айтганда, ҳар бир мутасадди шахс фермерларни қўллаб-қувватлаши, уларни ер, кредит ресурслари билан таъминлашда ташаббускор бўлиши лозим. Кичик бизнесни ривожлантириш ва фермер хўжаликларини шакллантиришни рағбатлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг сўзсиз бажарилишига алоҳида эътибор бериш ва бу масалада қатъий назорат ўрнатиш давр талаби эканлигини унутмаслигимиз шарт.

Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Tahlil ko`zgusi

Навоий вилоят адлия бошқармаси жорий йилнинг биринчи олти ойлик иш режасига асосан Навбаҳор туманида ялпи ўрганиш ўтказди. Ўрганиш давомида айрим камчиликлар мавжудлиги маълум бўлди.

«...ҲАҚИҚИЙ ЭМАС ДЕБ ТОПИЛСИН!»

Бунга туман ҳокимлигининг «Хуросон» ишлаб чиқариш тижорат корхонасини давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги қарорини мисол сифатида келтириш мумкин. Хўш, тадбиркорлик субъекти нима сабабдан туман ҳокимининг қарори билан тугатилди, деган савол сизни ўйлантирган чиқар? Келинг, масаланинг моҳиятини чуқурроқ англаш учун аввало туман солиқ инспекциясининг 2005 йил 4 августдаги 08/1851-сонли тақдимномасига тўхталиб ўтайлик.

Гап шундаки, туман ҳокимлигига киритилган ушбу тақдимномада «Хуросон» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси уч ой ва ундан ортиқ вақт мобайнида молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги баён этилиб, уни давлат рўйхатидан чиқариш туман ҳокимлигидан сўралганди. Шундан сўнг тақдимномага асосланган туман ҳокимлиги «Хуросон» ишлаб чиқариш тижорат корхонасини давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги 2005 йилнинг 25 августида К-636-сонли қарор қабул қилган.

Аслида эса тадбиркорлик субъектини бу тахлит тугатиш ноқонуний саналади. Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимояси давлат аҳамиятига молик масала даражасига кўтарилди. Бу фаолиятга турли хил асоссиз аралашувларга тўлиқ барҳам берилди. Айтмоқчимизки, бугун даврдан ортда қолиб кетмаслик учун ҳар бир киши, айниқса, мансабдор мутасадди шахслар ҳаётга тадбиқ этилаётган қонунлар, қарорлар, Президент Фармонлари ҳамда меъёрий ҳужжатлардан мунтазам хабардор бўлиб бориши, бу ҳужжатларнинг амалий ижроси учун ўзини масъул, деб билиши зарур. Негаки, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги **«Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармонига кўра, 2005 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектлари фаолиятини тугатиш ҳуқуқий таъсир чораси фақат суд орқали қўлланилиши белгиланган. Демак, туман давлат солиқ инспекцияси тақдимнома киритса-ю, унга асосланган туман ҳокимлиги тадбиркорлик субъекти фаолиятини тугатса... Бу ноқонуний саналади. Чунки хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини тўхтатиб қўйиш ёки тугатиш ваколати фақатгина судларга берилган.

Ушбу талабдан келиб чиққан вилоят адлия бошқармаси хўжалик судига даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар — Навбаҳор туман ҳокимининг К-636-сонли қарорини ҳақиқий эмас, деб топишни сўради. Вилоят хўжалик судининг ҳал қилув қарори билан даъво қаноатлантирилди. Туман ҳокимининг «Хуросон» ишлаб чиқариш тижорат корхонасини давлат рўйхатидан чиқариш тўғрисидаги қарори ҳақиқий эмас, деб топилди. Давлат божи ва почта харажатлари ҳам жавобгар — туман ҳокимлиги зиммасига юклатилди.

Албатта, бугун ҳар қандай хўжалик юритувчи субъект қонунга амал қилса, қонун ҳам уни ҳимоя қилади. Бундан ташқари ҳеч бир тадбиркорлик субъектига ортиқча имтиёз берилмаган. Фаолият даврида иш доимо бир текис силлиқ кетавермайди. У ёки бу сабаб туфайли ишда қолоқлик ёхуд турғун ҳолат учраши мумкин. Бундай паллада хўжалик юритувчи субъект ўзини-ўзи ўнглаб олмаса, четдан биров унга ёрдам беролмайди. Айтиш мумкинки, «Хуросон» ишлаб чиқариш тижорат корхонаси кейинги ойларда молиявий хўжалик фаолиятини амалга оширмаётганлиги ҳам тўғри. Бундай вазиятда корхонани давлат рўйхатидан чиқарилишига ҳеч ким эътироз билдирмайди. Бироқ давлат рўйхатидан чиқариш солиқ инспекциясининг тақдимномаси-ю, туман ҳокимининг қарори билан эмас, аксинча, суд тартибида амалга оширилишини унутмаслик керак.

Хулоса шуки, бугун ҳар бир ишга амалдаги қонун талабларидан келиб чиқиб ёндашиш зарур. Акс ҳолда, ортиқча асаббузарлик, оворагарчилик ва энг ёмони, юзишувтлик келиб чиқади.

Лутфулла ТОШМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Dakki

Sharh

ТАДБИРКОРГА ЯРАТИЛАЁТГАН ИМКОНИЯТ

иқтисодий тараққиётга улар қўшаётган ҳиссани оширади

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мазкур қарорнинг 1-бандига асосан, 2006 йил 1 сентябрдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олишнинг хабардор қилиш тартиби ўрнатилади. Ер майдонлари ажратиб бериш, газ ва электр тармоқларига улаш тўғрисида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турлари бўйича қарор талаб этиладиган тадбиркорларни рўйхатга олиш бундан мустасно.

Қарорга кўра, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш тегишли равишда адлия идораларига ёки туман (шаҳар)лар ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан бир вақтнинг ўзида уларни солиқ ва статистика органларида ҳисобга қўйган ҳолда амалга оширилади. Ариза-хабарномани берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, унга давлат рўйхатига олинганлик тўғрисида гувоҳномани беришгача бўлган муддат кўпи билан икки иш кунини ташкил этади.

Ушбу қарор билан тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланди. Низомга биноан, рўйхатдан ўтказиш 7 кундан 2 иш кунигача қисқарди, рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор 3 кунда эмас, балки 3 соат ичида чиқарилиши белгиланди. Чет эллик инвесторлардан банк тавсия хати олинмайдиган ҳамда муҳр ва штампни ИИБ идораси эмас, балки рўйхатга олувчи органнинг ўзи берадиган бўлди.

Қарорга асосан, Адлия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари икки ой муддатда рўйхатга олувчи тузилмаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашни таъминлаш чора-тадбирларини амалга ошириши белгиланган. Ҳозирда барча вилоят адлия бошқармаларига алоҳида кўрсатмалар берилиб, қарор ижросини таъминлашга киришилди. Қарорга мувофиқ, Солиқ қўмитасига 2006 йилнинг 1 сентябрига қадар ҳокимликлар билан бирга солиқ идораси ва рўйхатга олувчи органлар ўртасида солиқ тўловчиларнинг идентификация рақамлари берилгани тўғрисида тегишли сўровномаларни қабул қилиш ва ушбу ахборотни рўйхатга олувчи органларга узатиш учун электрон почта алоқаси ташкил этишни таъминлаш вазифаси юклатилди. Айни пайтда бу борадаги ишлар ҳам бошлаб юборилди.

Адлия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олишнинг хабардор қилиш тартибига риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш вазифаси юклатилган. Ушбу қарорнинг ижроси учун масъул ходимлар жавобгарликни тўла ҳис этиб, ижрони сўзсиз таъминлашса, иқтисодий ривожланишга ҳисса қўшадиган тадбиркорлар сони янада ошиши шубҳасиз.

Давлатназар МАТРАСУЛОВ,
юридик фанлар номзоди

Мустақилликка эришилганидан сўнг ўтган давр мобайнида мамалакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш, тадбиркорликни жадал ривожлантиришга қаратилган кенг меъёрий-ҳуқуқий база яратилиб, тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари қонуний кафолатланди.

ИҚТИСОДИЁТ ЭРКИНЛИГИ ТАРАҚҚИЁТ КАФОЛАТИДИР

Мазкур соҳадаги вазифаларни амалга оширишда биргина 2005 йилда Президентимизнинг 5 та Фармони ва 3 та қарори қабул қилинди. Жумладан, давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 14 июндаги 3619-сонли Фармонида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини тугатиш, тўхтатиб қўйиш, банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини тўхтатиб қўйиш, уларга молиявий санкциялар қўллаш, ҳуқуқбузарлик предметларини давлат даромадига ўтказиш, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шуғулланиш лицензиялари (рухсатномалари)ни ўн иш кунидан кўпроқ муддатга тўхтатиб қўйиш ёки амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш каби ҳуқуқий таъсир чоралари фақат суд тартибида амалга оширилиши белгиланди.

Шунингдек, 3620, 3622, 3665 ва 100-сонли Президент Фармони ва қарорларига асосан микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ, бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, республика йўл жамғармаси ва мактаб таълими жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлаш ўрнига ягона солиқ тўлови жорий этилди. Янги ташкил этилаётган микрофирмалар ва кичик корхоналарга ягона солиқ тўловини тўлаш муддатини бир йилга кечиктириш, кечиктирилган сумани имтиёзли давр тугагандан кейин тенг улушларда 12 ой давомида тўлаш ҳуқуқи берилди.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан биринчи марта содир этилган, қасддан қилинмаган ва кам аҳамиятли, шунингдек, давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар камроқ тушишига олиб келмайдиган ҳуқуқбузарликлар учун мансабдор шахсларга нисбатан материалларни суд идораларига тақдим этмасдан, фақат маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланиладиган бўлди.

Молиявий жарималарни қўллаш бўйича материаллар суд инстанцияларига топширилган ҳолларда, тадбиркорлик субъекти солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаганлик учун содир этилган ҳуқуқбузарлик туфайли етказилган зарарнинг ўрнини бир ой мобайнида ихтиёрий равишда қоплаган, устама тўлаган тақдирда молиявий санкциялар қўллашдан озод этилиши белгилаб қўйилди.

Микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини ҳар тўрт йилда кўпи билан бир марта, бошқа тадбиркорлик субъектларини эса ҳар уч йилда кўпи билан бир марта режа асосида текширишдан ўтказилиши, янги ташкил қилинган микрофирмалар, кичик корхоналар ва фермер хўжаликларининг молия-хўжалик фаолиятини улар давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текшириш ўтказилмаслиги белгиланди.

Бундан ташқари, ҳисобот топшириш тизими такомиллаштирилиб, уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарлик кучайтирилди. Микрофирмалар ва кичик корхоналар томонидан солиқлар, йиғимлар, ажратмалар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар бўйича барча ҳисоб-китоблар давлат солиқ хизмати идораларига ҳар чоракда тақдим этиладиган бўлди.

Шундай ислоҳотларнинг мантиқий давоми сифатида шу йилнинг 5 январида **«Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент Фармонининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этди.

Мазкур Фармонга асосан иш билан банд бўлмаган аҳолини ишлаб чиқаришга жалб этиш, узоқ қишлоқ жойлардаги иш билан банд бўлмаган аҳолини мустақил иш билан таъминлаш, уларга оила бюджети даромадларини оширишдек муаммоларни ҳал этишда халқимизнинг асрлар синовидан ўтган яратувчанлик қобилияти ҳамда ишчанлик салоҳияти инобатга олинди.

Бунда товарлар (ишлар ва хизматлар) ишлаб чиқариш бўйича касаначиларга буюртма берадиган корхоналар 2006 йилнинг 1 февралидан бошлаб беш йил муддатга, меҳнат шартномаси асосида касаначиларга тўланадиган маблағларга тенг миқдорда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан ягона ижтимоий тўловни тўлашдан озод қилинди.

Корхоналарга меҳнат шартномаси асосида касаначиларга корхоналар буюртмаси бўйича маҳсулот ишлаб чиқаришни ва хизматлар кўрсатишни ташкил этиш учун асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарларни текин ёки ижара шарти билан бериш, жумладан, лизинг (молиявий ижара) асосида тақдим этиш кафолатланди.

Корхона томонидан тузилган меҳнат шартномасига мувофиқ касаначиларга корхона буюртмаси бўйича ишларни бажариш бўйича текин фойдаланишга берилган асбоб-ускуна, жиҳозлар ва инвентарлар улардан фойдаланиш даврида мулк солиғидан озод этилди. Жумладан, шу йил 17 апрелдаги **«Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент қарори билан хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини янада кучайтириш учун қулай шарт-шароит яратиш, бу борадаги тўсиқларни бартараф этиш ва шу асосда хизматлар ҳажмининг юқори суръатларида ўсишини таъминлаш ҳамда 2010 йилгача уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 фоизга етказиш ва яна бошқа бир қатор йўналишлар мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб белгиланиб, унда ҳам бир қатор имтиёзлар ва кафолатлар назарда тутилди. Хусусан, молия, банк, маиший ва бошқа хизматлар соҳасида жами 11 турдаги хизматлар кўрсатаётган юридик шахслар уч йил муддатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўлови тўлашдан озод этилди.

Бундан ташқари, қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва шу асосда оилалар даромадини оширишнинг муҳим омили сифатида чорва моллари, энг аввало, қорамол боқаётган деҳқон ва фермер хўжаликлари сонини кўпайтириш учун зарур ҳуқуқий ва иқтисодий шарт-шароитлар яратиш учун **«Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Президент қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга мувофиқ, шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлган жисмоний шахслар учун пенсия тайинлашда меҳнат стажи улар томонидан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига энг кам ойлик иш ҳақининг камида 50 фоизи миқдорида ойлик суғурта бадаллари тўланган тақдирда ҳисобга олинади.

Қарорда 2006-2010 йиллар давомида шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллари, биринчи навбатда қорамоллар сонини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурида минтақалар бўйича шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида қорамоллар сонини кўпайтириш, зооветеринария пунктлари ва чорва молларини сунъий урчитиш пунктлари тармоғини кенгайтириш, зотли молларни шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига аукционлар орқали сотишни назарда тутиш алоҳида белгилаб қўйилган.

Белгилаб берилган устувор вазифаларни тўлиқ бажариш ҳар бир ҳокимлик, давлат бошқаруви ва назорат қилувчи идораларга катта масъулият юклаши билан бир қаторда бу соҳа вакилларидан юқори билим ва тажрибага асосланган омилкорликни талаб этади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, иқтисодиётимизнинг таянчига айланаётган тадбиркор эркин фаолият юритиши зарур. Бу эса давлат идораларида фаолият юритаётган ходимларга ҳам, тадбиркорларга ҳам фақат қонун асосида фаолият юритиш масъулиятини англаб етиш ва шу йўлда меҳнат қилиш каби вазифаларни юклайди. Зеро, тадбиркорлик тараққиёт кафолатидир.

Салоҳиддин САТТОРОВ,
Отабек АЗИМОВ

Jamiyatimiz maqsadi

Ogohlik zarurati

ДЕМОКРАТИЯ ТАНҚИСЛИГИ

АҚШ инқирозига сабаб бўлмоқда

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Расмий Вашингтон буни жуда яхши билади. Шиаларнинг диний раҳнамоси Муқтада ас-Садр Теҳронга ташрифи чоғида Эронга нисбатан ҳар қандай ҳужумга жавобан унинг аскарлари Эрон томонида туриб жанг қилишини маълум қилди. «Washington Post» газетасининг таъкидлашича, **бу баёнот "Эрон ва ғарб ўртасидаги тўқнашув Ироқни ҳарбий ҳаракатлар саҳнасига айлантириши, Ироқ шиаларидан иборат қуролли гуруҳлар, ҳатто америкаликлар томонидан ўқитилган ва асосан шиалардан иборат мунтазам армиянинг Эронга ҳамдардлик туйғуси билан америкаликларга қарши курашни бошлаб юбориши мумкинлигини"** кўрсатиб турибди. 2005 йилнинг декабрида бўлиб ўтган сайловларда катта муваффақиятларга эришган Муқтада ас-Садр блоки яқин келажакда мамлакатнинг энг қудратли сиёсий кучига айланиши мумкинлигини инобатга оладиган бўлсак, бу баёнотнинг нақадар таҳликали экани маълум бўлади.

Вашингтоннинг Яқин Шарқда минтақавий хавфсизлик масалаларини инобатга олмаслик сиёсати янгилик эмас. Бундай вазият Ироқ билан зиддиятлар чоғида бир неча бор такрорланган. Минтақадаги вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлаётган асосий омиллардан бири – Исроилнинг ядровий қуролига эга эканлигидир. Вашингтоннинг нуқтаи назари туфайли бу масала бўйича жиддий халқаро мунозаралар олиб борилмаяпти. Бунинг замирида Харрисон тўғри таъкидлаганидек, **ядро қуролини тарқатмаслик халқаро конвенцияга кўра асосий муаммо: ядро қуролига эга давлатларнинг ядровий қуролни тарқатмаслик Шартномасидаги миллий арсеналлар сафидан ядровий қурол ва уни ташиш учун мўлжалланган воситаларни чиқариб ташлаш мажбуриятини бажармаслик ётибди. Вашингтонга келсак, у бу мажбуриятлардан расмий равишда воз кечган.**

Америка разведкасининг маълумотларига қараганда, АҚШ Яқин Шарқ нефтини анъанавий мулоҳазаларга кўра, назорат остида ушлаб туриб, Атлантика ҳавзаси (ғарбий Африка, ғарбий ярим шар) каби нисбатан барқарор ҳудуддаги заҳиралардан кўпроқ фойдаланишни режалаштирган. Бугунги кун нуқтаи назаридан олиб қарайдиган бўлсак, америкаликларнинг Яқин Шарқ нефтини назорат қилиши учун ҳеч қандай кафолат йўқ. Бундан ташқари, Буш маъмурияти сиёсати туфайли ғарбий ярим шарда рўй бераётган воқеалар ушбу режаларни амалга оширишни хавф остига қўймоқда. Хуллас, АҚШ дунё сиёсий майдонида мисли кўрилмаган даражада яккаланиб қолаяпти. Бу маъмурият ҳатто Канададек давлатни ҳам ўзидан узоқлаштириб юборди.

Канада табиий заҳиралар вазирининг баёнотига кўра, бир неча йиллардан сўнг Канада АҚШга юбораётган нефтнинг тўртдан бир қисмини Хитойга экспорт қилиши мумкин. Вашингтоннинг энергия сиёсатига яна бир зарба ғарбий ярим шардаги нефт экспорти билан шуғулланадиган етакчи давлат – Венесуэла томонидан берилди. Лотин Америкаси давлатлари ичида айнан Венесуэла Хитой билан бирга яқин муносабатларни йўлга қўйган. Каракас ушбу мамлакатга нефть экспортини кўпайтиришга, шу билан бирга унга нисбатан ошкора душманлик сиёсатини юритаётган АҚШ ҳукуматига қарамликдан қутулиш сиёсатини олиб бормоқда. Умуман олганда, сўнгги йилларда Лотин Америкаси ҳамда Хитой ўртасида савдо-сотиқ ва бошқа соҳалардаги ҳамкорлик жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Тўғри, бу борада бир қатор муаммолар юзага келаяпти, аммо бу алоқалар вақт ўтган сари тобора мустаҳкамланиб бораверишига шубҳа йўқ. Бу – айниқса, Бразилия ва Чили каби хом ашё экспорти билан шуғулланадиган давлатларга дахлдор.

Агар Марказий Америка Рейганнинг зўравонлик ва террорга асосланган сиёсати оқибатида тобеликда тутиб турилган бўлса, ярим шарнинг қолган давлатлари аста-секин АҚШ назоратидан чиқиб кетаяпти. Бу ҳол айниқса, Венесуэладан Аргентинага қадар ястаниб кетган улкан ҳудуд учун долзарблик касб этмоқда. Аргентина яқин-яқингача Халқаро валюта жамғармаси ва АҚШ Мовий вазирлигининг "тарбияланувчилари" сафида эди. Аммо бу икки идоранинг тавсиялари билан олиб борилган сиёсат мамлакатни иқтисодий инқирозга етаклади. Бугунги кунда минтақанинг кўплаб давлатларида ҳокимият сўл марказчи ҳукуматлар қўлига ўтган. Боливия ва Эквадор каби йирик нефть қазиб чиқарувчи давлатларда маҳаллий аҳолининг сиёсий фаоллиги ортиб бормоқда. Улар нефть-газ заҳиралари устидан миллий назорат ўрнатиш, баъзи ҳолларда эса конлардан фойдаланишни умуман таъқиқлаб қўйиш талаби билан чиқмоқдалар. Маҳаллий халқларнинг аксарияти ўз ҳаёт тарзи ва маданиятини нью-йоркликларнинг «Жип»лари кўп соатлик тиқилинчларда бензинни бехуда исроф қилиши учун ўзгартиришни асло истамайди.

Хуллас, шу каби бир қатор сабабларга кўра, АҚШнинг дунёдаги ҳукмронлиги емирилиб бормоқда. Бу жараён Буш стратегиячиларининг сиёсатига боғлиқ бўлмаган ҳолда ҳам давом этяпти. АҚШ олиб бораётган **демократияни "тутиб туриш"** сиёсати йўлида янги тўсиқлар пайдо бўляпти. Буш стратегчилари бугунги кунда ҳарбий тўнтаришларни амалга ошириш ва демократик равишда сайланган ҳукуматларни ағдариш мақсадида халқаро терроризм усулларидан фойдаланиш осон иш эмаслигига 2002 йили Венесуэлада яна бир бор амин бўлдилар. **"Қатъий изчиллик"** эндиликда асосан бошқа усуллар билан таъминланмоқда. Ироқдаги оммавий қаршиликлар Вашингтон ва Лондонни сайловлар ўтказишга санкция беришга мажбур қилди. Ваҳоланки, улар буни сира исташмаган эди. АҚШ маъмуриятининг номзодига берилган катта устунликлар ва мамлакатдан мустақил ОАВ вакилларини чиқариб юбориб овоз бериш жараёнини бошқаришга уринишлар ҳам кутилган натижани бермади.

Фаластиндаги сайлов жараёнлари билан боғлиқ муаммолар худди Ироқдаги каби кечди. Буш маъмурияти Ёсир Арафот тириклигида сайлов ўтказишга йўл қўймади. Акс ҳолда у қўллаб-қувватлаётган номзоднинг ғалаба қозонишига умид йўқ эди. Арафотнинг вафотидан сўнг маъмурият миллий автономия раҳбарияти вакиллари орасидан улар қўллаб қувватлаётган номзод ғолиб чиқишига ишонч билан сайлов ўтказишга рухсат берди. Вашингтон бунга эришиш учун Ироқда, ундан олдин бошқа мамлакатларда фойдаланилган бошқарув усулларидан фойдаланди. Маъмурият АҚШнинг халқаро ривожланиш Агентлиги (USAID)дан **"яширин канал"** сифатида фойдаланиб, **"ҳал қилувчи сайловлар арафасида "ХАМАС" радикал исломий гуруҳидек жиддий рақибга эга Автономия раҳбариятининг обрўсини оширишга" ("Washington Post" газетасидан иқтибос) ҳаракат қилиб, "сайловчилар кўзи олдида ҳукмрон "ФАТҲ" фракцияси имиджини яхшилашга қаратилган ўнлаб қисқа муддатли лойиҳаларни"** ("New York Times" газетасидан иқтибос) амалга ошириш учун салкам 2 миллион доллар сарфлади. АҚШнинг ўзида ҳам, исталган бошқа ғарб мамлакатида ҳам чет элдан моддий ёрдам олингани ҳақидаги кичкинагина хабар номзоднинг сиёсий фаолиятига нуқта қўйиш учун етиб ортади. Бироқ бошқа минтақалар ҳақида сўз кетганда, бизнинг ҳукуматимиз чуқур илдиз отган империяча фикрлаш тарзи туфайли бундай тактикани "қонуний" деб баҳолайди. Шунга қарамай, сайловларни ўз билганича ўзгартириш сиёсати бу ерда ҳам мағлубиятга учради. Вашингтон зўр бериб мақтаётган **"қатъий изчиллик"**ни таъминлаш сиёсати АҚШнинг бошқа қудратли давлатлардан сира ҳам фарқ қилмаслигини кўрсатиб қўйди. Ҳақиқатан ҳам, Америка давлати олий қадриятларга содиқлик ҳақидаги ёлғон баёнотлар билан мамлакатнинг ҳукмрон синфи қатламларининг стратегик ва иқтисодий манфаатларини жон-жаҳди билан ҳимоя қилмоқда.

Жамият тинмай "жаврайдиган" танқидчилар ҳар доим камчиликлар ҳақида гапирадилару, аниқ таклифлар беришга ожизлик қиладилар, деган фикрни эшитишга одатланиб қолган. Амалда эса бундай айбловлар: "Улар бизга ёқмайдиган таклифларни илгари сурадилар", деган маънони англатади, холос. Ушбу китоб саҳифаларида инсоният келажагига катта хавф солаётган бўҳронлардан чиқишнинг ҳаммага маълум тавсиялари қаторида бир неча оддий таклифлар ҳам айтиб ўтилган эди: 1) Халқаро жиноят суди ҳамда БМТнинг халқаро суди юрисдикциясига бўйсуниш; 2) Киото протоколини имзолаш ва унинг қоидаларига амал қилиш; 3) Халқаро бўҳронларни тартибга солишда БМТнинг аҳамиятини ошириш; 4) БМТ Низомига қатъий амал қилиш; 5) Хавфсизлик Кенгашидаги вето бериш ҳуқуқидан воз кечиш ва Мустақиллик Декларацияси бизга ўргатганидек, ҳукмрон элитани қониқтирмаса-да, "инсоният фикрига ҳурмат билан қараш"; 6) ҳарбий соҳага ажратилаётган пул маблағларини кескин камайтириш ва ижтимоий сарф-харажатларни кўпайтириш.

Албатта, демократияга ишонган ҳар бир одам бу таклифларнинг ҳолислигига шубҳа билдирмайди. Бу таклифлар аксарият оддий америкаликларнинг фикри билан ҳамоҳанг бўлса-да, ҳозирги ҳукумат олиб бораётган сиёсатга асло мос келмайди. Албатта, шу ўринда бир нарсани эътироф этиш керак: биз бу масалалар юзасидан жамоатчилик фикрини тўлақонли ўрганиш имконига эга эмасмиз. Чунки бунга "демократия танқислиги"нинг яна бир жиҳати монелик қилади: жиддий муаммолар камдан-кам ҳоллардагина кенг жамоатчилик муҳокамасига қўйилади, аҳоли ҳукумат сиёсатининг салбий оқибатлари ҳақидаги маълумотлардан умуман хабардор эмас.

Бугун маърифатга эришиш ва ўз-ўзимизни қайта тарбиялашимиз учун катта имкониятлар эшиги очилган. Албатта, ўтмишда бўлгани каби ўз ҳуқуқларимизни ҳукуматдан совға тариқасида ёки бир неча намойишлару ҳар тўрт йилда бир марта "демократик ҳуқуқлардан фойдаланиш" деб номланган спектаклда қатнашиб олиб бўлмайди. Ўтмишда бўлгани каби олдимизда турган масалалар биздан чинакам демократия асосларини яратиш йўлидаги дадил қадамларни тақозо этади. Ана шу асослар доирасидагина жамиятнинг бизни инкор этиб келаётган иқтисодий-сиёсий майдондаги мавқеи ортади, қабул қилинаётган қарорларда демократик тамойиллар устуворлиги таъминланади. Мамлакатимизда демократияни ривожлантиришнинг жуда кўплаб асослари мавжуд. Бунинг учун етарли имкониятлар ҳам бор. Агар бу имкониятлардан фойдаланмасак, мамлакатимиз, бутун дунё, келажак авлодлар олдидаги масъулиятимизни бажармаган бўламиз.

Ноам ЧОМСКИ
Манба: «Центразия»

Qonun va qadriyat

БУРЧ

(Давоми.
Боши биринчи бетда)

Хўш, кексалар нима қилсин? Уларга ким ғамхўрлик қилади? Албатта, қонунларда белгиланган тартибда кексалар пенсия билан таъминланиши, бошқа ижтимоий ҳимоя ва жамоатчилик ёрдами олиши мумкин. Лекин улар фарзанд ўстирганку!

66-моддага биноан, биринчи навбатда, **"вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар".**

Конституцияда барча бурчларни ифодалаш иложи йўқлигининг бир исботи шуки, бутун маънавиятимиз, муқаддас динимиз, адабиётимиз бу масала билан азал-азалдан шуғулланиб келади. Бу борада жуда бой мерос тўпланган. Биргина қўшнининг бурчи билан боғлиқ қанчадан-қанча ҳикмат бор. Ўзбек қўшничилик маданиятининг ҳикматларда ифодаланмаган яна қанча жиҳатлари мавжудлигини биламиз. Уларга қўлимиздан келганча амал қиламиз. Миллий маънавий мерос сифатида авлодларга юқтиришни ўйлаймиз. Ҳатто ёнатрофимизда яшаётган кўплаб миллат ва элатлар вакиллари ҳам уларга амал қилади.

Конституциямизда фуқароларнинг бурчлари билан боғлиқ жиҳатларни кўриб ўтдик. Лекин Асосий қонунимизда фуқаролар бурчларидан ташқари бурчлар ҳам белгиланган:

1.Халқ бурчи.
2.Давлат бурчи.
3.Давлат органлари бурчи.
4.Мансабдор шахслар бурчи.
5.Ўзбекистон Республикасида яшаб турган хорижий давлатлар фуқаролари бурчлари.

Бош қомусимиз "Муқаддима"сида Ўзбекистон халқи ўзининг мухтор вакиллари сиймосида нима мақсад-муддаоларни кўзлаб ушбу Конституцияни қабул қилгани ифодаланган. Шулар – халқнинг бурчи.

Ёки 2-моддани олайлик. **"Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади"**, – деб алоҳида таъкидлаган. Бу давлатнинг энг асосий бурчи янглиғ жаранглайди. Шу билан бирга, шўро давлати онгимизга мажбуран сингдирган бир хато ғояни тузатади: давлат халққа хизмат қилади, аксинча эмас!

Шу модданинг кейинги банди: **"Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар"**, – дея уқтиради.

Шунингдек, 3, 13, 14, 22, 70-моддаларда давлатнинг турли бурчлари белгилаб қўйилган. Давлат ниманики кафолатласа, бу унинг бурчи ҳисобланади.

Дунё шунчалар ривожланиб кетдики, ҳозирги замонда бағрида чет эллик фуқаро яшамаётган давлат бўлмаса ҳам керак. 23-модда айнан шу масалага ойдинлик киритади. Аввало, **"Ўзбекистон Республикаси ҳудудига чет эл фуқароларининг ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ таъминланиши"** қайд этилган. Қолаверса, Конституциямиз улар зиммасига ҳам муайян бурч юклайди: **"Улар Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, қонунлари ва халқаро шартномалари билан белгиланган бурчларини адо этадилар"**.

Фуқаро, халқ, мансабдор шахс, давлат бурчи.

Фуқаролар ва давлат бурчлари бир-бирини инкор этмайди, бир-бирига зид келмайди ҳам. Аксинча, бир-бирини тақозо этади, бир-бирини тўлдиради. Бу 19-моддада ниҳоятда демократик асосда қайд этилган: **"Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғликдирлар"**.

Инсон табиати жуда мураккаб. Кўпинча бирон-бир фуқаронинг у ёки бу ҳуқуқи, эркинлиги, қадр-қиммати, хусусан, мулкига дахл қилингудек бўлса, дарҳол у Конституциядаги ҳуқуқ ва эркинликларидан сўз бошлаши ҳеч гап эмас. Шундай бўлиши ҳам керак. Бир томони, демократия дегани ўзи шу.

Аммо ҳаммамиз ҳам ҳамма вақт ҳам бурчимизни адо этиб юришни ўйлайвермаймиз. Билмадим, эҳтимол, жуда кичик бир мисолдир-у, лекин менга ўзининг ниҳоятда гўзал энг сўнгги нусха "Мерседес"и ёки "Ласетти"сида пойтахтимизнинг кенг, шинам кўчасида кетаётиб, бир деразасидан сигаретаси қутисини, сал ўтмай бошқа деразасидан чекилмасини (окуркасини) итқитиб кетаётган киши шу Ватан, шу замин табиати, биринчи галда, озодалигига жавобгар эканини унутмаган етук фуқаро, маданиятли бой, маънавиятли шахс бўлиб кўринмайди.

Ҳуқуқ ва бурч – инсонийликнинг икки тенг мезони.

Бурчнинг энг каттаси — қонунга риоя қилиб яшаш. Бутун жамиятнинг шунга амал қилишига эришиш эса — оғир, лекин бажарса бўладиган вазифа.

Султонмурод ОЛИМ,
Республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари ўринбосари.

Mitti maslahat

ЎЗБОШИМЧА ИМОРАТ ҚУРМАНГ!

Мамлакатимиз қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек, иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш меъёрлари ҳамда қоидаларини жиддий тарзда бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулклар ўзбошимчалик билан қурилган қурилиш ҳисобланади.

Ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмайди. Бу шахс қурган иморатни тасарруф этишга, сотиш, ҳадя этиш, ижарага бериш, иморатга нисбатан бошқа битимлар тузишга ҳақли эмас.

Шуни назарда тутиш лозимки, белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилган янги уйга бўлган мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборда вужудга келади. Уй қурилиши битиб, давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар уй маҳаллий ҳокимият рухсатисиз бошқа шахсга берилиши мумкин эмас.

Шахс ўзига қарашли бўлмаган ер участкасида ўзбошимчалик билан иморат қурган бўлса, унинг бу иморатга нисбатан мулк ҳуқуқи суд томонидан, башарти мазкур участка шу шахсга қурилган иморат учун белгиланган тартибда бериладиган бўлсагина, эътироф этилиши мумкин.

Деҳқон хўжалиги юритиш каби мақсадларда, якка тартибда уй-жой қуриш каби ҳолатларда ер участкалари ажратиш масалалари туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан амалга оширилади.

Ер кодексида ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкалари уларга ғайриқонуний равишда эгалик қилинган ва фойдаланилган вақтда қилинган сарф-харажатлар қопланмаган тарзда тегишлилигига кўра қайтарилиши, ер участкаларини фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш, шу жумладан, ундаги иморатларни буздириш ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган шахслар ҳисобидан амалга оширилиши, ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкасини ер эгасига, ердан фойдаланувчига, ижарачига ёки ер участкаси мулкдорига қайтариш тегишли туман, шаҳар, вилоят ҳокимининг қарорига биноан ёки суднинг ҳал қилув қарорига кўра амалга оширилиши белгиланган.

Ўзбошимчалик билан иморат қуриш билан боғлиқ масала ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер низолари билан биргаликда ҳал этилади. Чунки ўзбошимчалик билан қурилган иморат кўпчилик ҳолларда ўзбошимчалик билан эгаллаб олинган ер участкаларида қурилади.

Қонунчиликда ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ белгилаб берилган. Шу боис ер ва уй-жой билан боғлиқ ишларни ҳам қонун асосида амалга ошириш лозим. Зеро, ўзбошимчалик ҳеч қачон фойда келтирмайди.

Эркин ХАЙРУЛЛАЕВ,
талаба

Qonun hamma uchun barobar

ТЕНДЕРДА НОҲАҚЛИК ЎТМАЙДИ

Бугун мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида паст рентабелли хўжаликлар тугатилиб, уларнинг ўрнида фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Натижада ер ўз эгаси — ҳақиқий деҳқон қўлига ўтиб, қишлоқ хўжалиги соҳасида иқтисодий ўсишга олиб келгани ҳам бор гап. Шунинг учун ҳам фермер хўжаликлари ташкил этишнинг қонуний асоси ҳисобланган тендер комиссияси тузиш ва тендер танловини ҳалол, қонуний ўтказиш талаб этилади.

Яқинда Каттақўрғон туман прокуратураси тумандаги тендер комиссиялари ишларини кўриб чиқиб, қонуний баҳо берди. Текшириш натижаси шуни кўрсатдики, тендер ҳамма жойда ҳам қонуний ўтмаган экан. Масалан, Марди Султонов номидаги агрофирмада ўтказилган тендер танловида 5-лойиҳа бўйича талабгор сифатида иштирок этган Мамарасул Низомов фирибгарлик йўли билан ўз мақсадига етаман, деб ўйлаган. Яъни у тендер комиссиясига тақдим этган ҳужжатларга юқори балл тўплаш мақсадида ўз хўжалигига қўшни бўлган Элмурод Қурбонов номидаги ширкат хўжалигида пудратчи бўлиб ишлаганлиги ҳақида сохта ҳужжат илова қилган. Ва ана шу сохта ҳужжат ёрдамида танлов ғолиби бўлган. Лекин туман прокуратураси тендерда қалбаки ҳужжат билан ғолибликни қўлга киритган М.Низомовнинг найрангбозлигига чек қўйди. Тендер комиссиясининг қарори бекор қилинди.

Буни қарангки, Элмурод Қурбонов номидаги ширкат хўжалигида ўтказилган тендер танловида 20-лойиҳа бўйича иштирок этган Абдувоҳид Саидов ҳам ғирромлик билан тендер комиссиясини лақиллатиб, ғолибликни қўлга киритган экан. У ҳам ширкат хўжалигида пудратчи бўлиб ишламаган бўлсада, юқори балл тўплаш мақсадида ширкат хўжалигида пудратчи бўлиб ишлаганини ва уч йил давомида давлатга пахта ва ғалла топшириш режаларини ошиғи билан бажарганлиги тўғрисида ҳамда 24 та йирик шохли чорва моллари ва 12-тонна буғдойи борлиги ҳақида «Қўштепа» қишлоқ фуқаролар йиғинидан қалбаки маълумотнома олиб, 60,3 балл тўплаб, ғолибликни қўлга киритган. Текширишда А.Саидовнинг найрангбозлиги аниқланиб, унинг ғолиблиги бекор қилинди ва унга нисбатан Жиноят кодексининг 228-моддаси, 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Албатта, қонунбузарлар ўз қилмишларига яраша қонуний жазо оладилар. Лекин масаланинг бошқа томони кишини ўйлантиради. Ахир, тендер ҳам қураш, ижобий маънода рақобат. Қураш эса ҳалолликни ёқтиради. Ҳалол рақобатда кўзбўямачилик, ғирромлик кечирилмайди. Наҳотки, ана шу оддий ҳақиқатни айримлар тушунмасалар?..

Аҳмаджон ТОҒАЕВ,
ҳуқуқшунос
Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Saboq

Бир кун жанжал бўлган хонадондан қирқ кун хайр-барака кўтарилади, дейди халқимиз. Бу ҳикматга кундалик турмушда амал қилганлар, албатта, ўзларини кўнгилсиз ҳодисалардан, ортиқча асаббузарликлардан асрайдилар. Аксинча иш тутганлар эса, қилмишларидан азият чекадилар, эл орасида юзлари шувут бўлади. Фарғона тумани Логон қишлоғида юз берган бир оилавий можаро доно халқимизнинг ҳикмати нақадар ҳаётий эканини исботлади.

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП...

Гап шундаки, шу қишлоқда яшаган фуқаро Баҳодир Холназаров ҳаётдан эрта кўз юмиб, вояга етмаган уч нафар фарзанди умр йўлдоши Мавлуда опа қўлида қолди. Марҳумнинг марака-маросимларини ўтказгач, Мавлуда Холназарова турмуш ташвишларини ўз зиммасига олиб, фарзандлар тарбияси билан шуғулланиб бошлади. Орадан кўп ўтмай у билан қайнонаси ўртасида гап қочди. Жанжал оқибатида қайнона — Ҳайитби Холназарова тўнини тамом тескари кийиб олди. У фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига даъво аризаси билан мурожаат этиб, 1941 йилнинг 21 октябрида Фарғона тумани, Логон қишлоғи, Вазиё кўчасидаги 34-уйда туғилганини, бу ҳовли-жойлар ота-онаси Абдулазиз Холмирзаев ҳамда Ҳожиби Холмирзаевалларга тегишли эканини баён этди. Ота-онаси вафот этишгач, ана шу уй-жойда кенжа синглиси Тўхтахон Холмирзаева яшаган. Бироқ синглиси ота-онадан қолган мерос ҳовлини қаровсиз қолдиргани боис, эски уй-жойлар бузилиб, ўрнига мевали дарахтлар экилган. Ҳайитби Холназарова марҳум ўғли Баҳодир Холназаровни уйлантириб, айни пайтда ўзи яшаётган Мирбобо кўчасидаги 85-уйга жойлаштирган. Бироқ Баҳодир 2000 йили касалликка чалиниб, бир йилдан сўнг вафот этади. Шундан сўнг бева қолган келини уч нафар вояга етмаган болалари билан эски ҳовли ўрнида янгитдан тикланган иморатга кўчиб киради. Аризачи келини ва набиралари кўчиб кирган бу уй-жойларга марҳум ўғли Баҳодир Холназаров ўзбошимчалик билан эгалик ҳуқуқини ҳужжатлаштириб олганини, бу ҳуқуқни берувчи Фарғона туман ҳокимининг 2005 йил 30 мартдаги 175-сонли қарорини бекор қилишни ҳамда шу асосда низоли уй-жойдан келини Мавлуда Холназаровани мажбурий тартибда чиқариб юборишни сўрайди.

Суд мажлисида иштирок этган жавобгар Мавлуда Холназарова ушбу даъволарни тан олмади. У низога сабаб бўлган уй-жойларни марҳум эри Б.Холназаров билан биргаликда тиклаганини, айни пайтда эса, қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзанди борлигини, мазкур уй-жойга кўчиб киришига даъвогар, яъни қайнонасининг ўзи розилик берганини айтди.

Шунингдек, у даъвогарнинг ота-онасидан қолган уй-жойлар аллақачон бузилиб кетганини, янгидан қурилган иморатларни тиклашда ўзининг ҳам ҳиссаси борлигини кўрсатиб, суд ҳайъатидан даъвони рад этишни сўради.

(Давоми тўртинчи бетда)

ЯНА ГУАНТАНАМО ҲАҚИДА

Маълумотларга қараганда, ўтган ҳафта шанба куни АҚШнинг "Гуантанамо" қамоқхонасида сақланаётган уч нафар маҳбус ўз жонига қасд қилган. Бу уч маҳбуснинг икки нафари Саудия Арабистони фуқароси, бир нафари эса Яман фуқароси бўлиб, улардан бири "Ал-Қоида" жангари гуруҳи



билан алоқадорликда, иккинчиси эса "Толибон"лар тарафида туриб жанг қилганликда айбланаётган эди. Учинчи маҳбус эса, айби исботланмагани учун, яқин кунларда бошқа мамлакатга жўнатилиши кутилаётганди. Аслида Саудия Арабистони фуқаролари Мани ал-Утайба, Ясир Талал ал-Захрани ва асли келиб чиқиши яманлик бўлган Али Абдалла Аҳмадлар "Гуантанамо" қамоқхонасида ноқонуний ушлаб турилган.

Ушбу воқеа хусусида "Гуантанамо" қамоқхонаси бошлиғи, контр-адмирал Гарри Харрис расмий шарҳ берди. Унинг сўзларига қараганда, марҳум маҳбуслар ўта ақлли, ўз ишларига ижодий ёндашадиган, ўз қарашларига садоқатли инсонлар бўлишган. Улар ўзгаларнинг ҳам, ўзларининг ҳам ҳаёти ҳақида қайғуришмаган. Уларнинг бундай йўл тутиши ўз жонига шунчаки қасд қилиш эмас, балки бизга қарши норозиликларининг ифодасидир».

АҚШ Давлат департаменти вакили Коллин Граффи »Би-Би-Си» радиосига берган интервьюсида, "Гуантанамо" қамоқхонасида юз берган оммавий равишда ўз жонига қасд қилиш ҳодисасини "жамоатчилик эътиборини жалб этишга қаратилган ўзига хос тарғибот", деб баҳолади.

ХАКЕРЛАР "ҲУЖУМ"И

Номи ошкор этилмаган хакер АҚШ Ядро хафвсизлиги агентлиги компьютер базаси сайтига кириб, ундан 1,5 минг нафар ходимлар ҳақидаги маълумотларни ўғирлаган. Бу ҳақда АҚШ сенаторларидан бири маълум қилган.

"Газета.ru" тарқатган маълумотларга қараганда, мазкур жиноят ўтган йилнинг сентябр ойида содир этилган бўлишига қарамай, шу пайтгача Ядро хавфсизлиги агентлиги ушбу ҳодиса хусусидаги маълумотни сир сақлаб келган.

Агентлик базасида юз берган ўғирлик ҳақидаги ҳақиқат ўтган ҳафтада ошкор этилди. Натижада энергетика ва тадбиркорлик палатаси қўмитаси аъзолари Ядро хавфсизлиги агентлиги раҳбари Линтон Брукснинг истеъфосини талаб қилишмоқда.

ИРОҚДА ЯНА ПОРТЛАШЛАР

Куни кеча Ироқ пойтахти Боғдодда содир этилган террорчилик ҳаракати туфайли яна 12 нафар нафар тинч аҳоли вакили қурбон бўлган ва 10 нафардан ошиқ фуқаро турли даражада тан жароҳати олган.

Боғдод шаҳридаги йўллардан бирида кўмилган мина портлаши натижасида олти нафар ишчи қурбон бўлган. Пойтахтнинг бошқа кўчасида содир этилган портлаш оқибатида ҳам тўрт нафар фуқаро ҳаётдан кўз юмган.

Икки нафар фуқаро эса Телль-Афар шаҳрида содир этилган терakt натижасида қурбон бўлган.

Кеча Ироқ президенти Жалол Талабани баёнот бериб, ҳукумат мамлакатда портлашлар уюштираётган жангари гуруҳлар билан келишувга тайёр эканини таъкидлади. Шунингдек, Жалол Талабани Ироқдаги "Ал-Қоида" етакчиларидан бири Абу Мусаба аз-Заркавийнинг ўлими жангариларнинг бўлинишига олиб келиши мумкин, деган фикрни билдирди.

ИСРОИЛДА ТЕМИР ЙЎЛ ҲАЛОКАТИ

Душанба куни Исроилнинг Нетани шаҳри жанубида йўловчи ташиш учун мўлжалланган поезд билан юк машинаси тўқнашиб кетди, деб хабар қилади "ИТАР-ТАСС" ахборот

агентлиги.

Аниқ бўлмаган маълумотларга қараганда, тўқнашув натижасида 150 нафардан ошиқ фуқаролар турли даражада тан жароҳати олган.

Ҳозирча қурбонлар ҳақида аниқ маълумотлар йўқ.

БОШ ВАЗИР ЖАРИМАГА ТОРТИЛДИ

Малайзия бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилмагани учун полиция томонидан огоҳлантирилиб, жаримага тортилди, деб ёзади "РИА-Новости" ахборот агентлиги.

Малайзиянинг "Нью Стрэйтс Таймс" газетасида чоп этилган хабарда таъкидланишича, ўтган йили мамлакат бош вазири Абдулла Аҳмад Бадавий беш марта белгиланган тезликни оширгани учун, тўрт марта йўл қоидасини бўзгани ва яна икки марта автомобилини тўхташ мумкин бўлмаган жойга қўйгани учун жазоланган экан.

Интернет материаллари асосида Нодира ҒУЛОМОВА тайёрлади

Saboq

АҲИЛЛИКДА ГАП КЎП...

(Давоми. Боши учинчи бетда)

Суд жараёнида иштирок этган яна бир жавобгар — Фарғона туман ҳокимлиги вакили К.Орзиқулова ҳам даъвогарнинг аризасидаги талабларни тан олмайди. У низоли уй-жойларга марҳум Баҳодир Холназаровнинг эгалик ҳуқуқи тегишли ҳужжатларга асосан белгиланганини, туман ҳокимининг қарори қонуний эканини эътироф этади.

Дарҳақиқат, Фарғона туман ҳокимининг 2001 йил 31 мартдаги қарори билан марҳум Баҳодир Холназаровга Логон қишлоғи, Вазиё кўчасидаги 34-уй-жойга эгалик қилиш ҳуқуқи тасдиқланган. Алишер Навоий номидаги ширкат хўжалиги ер тузувчиси томонидан берилган маълумотномага кўра, марҳум Б.Холназаров номида 0,26 гектар ер майдони бўлиб, хўжалик дафтарида 81-тартиб рақами билан қайд этилган. Демак, марҳум Баҳодир Холназаров низоли уй-жойларнинг хўжалик бошлиғи бўлган. Шу боис ҳокимият томонидан чиқарилган эгалик ҳуқуқини белгилаш тўғрисидаги қарори низоли уй-жойлар Б.Холназаровни мулкка бўлган ҳуқуқини белгилайди ва бу уй-жойларни давлат рўйхатидан ўтказишга асос бўлади. Фуқаролик кодексининг 210-моддаси 1-қисмига кўра, белгиланган тартибда ажратиб берилган ер участкасида қурилаётган янги уй-жойга мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб юзага келади. Шундай экан, Фарғона туман ҳокимининг 2005 йил, 31 мартдаги 175-сонли **«Логон қишлоқ фуқаролар йиғини Вазиё кўчаси, 34-уй ҳовли-жой марҳум Б.Холназаровнинг хусусий мулки эканлигини тасдиқлаш ва рўйхатга олиш ҳақида»**ги қарорини бекор қилишга ҳеч қандай асос йўқ,

Даъвогар Ҳайитби Холназарованинг ўзи ҳам суддаги баёнотида ҳозирги иморатлар ота-онасидан қолган мерос уй-жойларнинг ўрнида қайта тикланганини, қурилиш ишларига ўғли Баҳодир бош бўлиб, сарф-харажатлар унинг ҳисобидан бўлганини тан олди. Ҳатто келини Мавлуданинг ҳам янги иморатнинг тикланишида ҳиссаси борлигини инкор этмади. Қолаверса, Логон қишлоқ фуқаролар йиғини томонидан берилган маълумотномада ҳам жавобгар Мавлуда Холназаров ҳамда унинг уч нафар вояга етмаган фарзандлари низоли уй-жойда рўйхатдан ўтгани таъкидланган.

Фуқаролик кодексининг 1113-моддасига кўра, мерос очилган пайтда мерос қолдирувчига тегишли бўлган, унинг ўлимидан кейин ҳам бекор бўлмайдиган барча ҳуқуқ ва мажбуриятлар мерос таркибига киради. Республика Олий судининг **«Мерос ҳуқуқига оид қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида»**ги 2000 йил 22 декабрдаги 33-сонли қарорининг 11-бандига асосан, мерос қолдирувчининг ўзига қонуний асосларда тегишли бўлган мулкларнингина мерос таркибига киришини инобатга олиб, ўзбошимчалик билан қурилган ёки тегишли тартибда расмийлаштирилмаган турар-жой ва хоналарга нисбатан ворисларга эгалик ҳуқуқини белгилашга йўл қўйилмаслиги қайд этилган. Демак, мазкур қонун талабларига кўра, низоли уй-жойлар даъвогар Ҳайитби Холназарованинг ота-онасидан қолган мерос таркибига эмас, балки марҳум Б.Холназаровдан қолган мерос таркибига киради.

Суд Фуқаролик Процессуал кодексининг 203-206-моддаларини қўллаб, даъвогар Х.Холназарованинг даъвосини асоссизлиги сабабли рад этди.

Аслида қайнона ва келин орасидаги ноаҳилликдан бошланган уй-жой машмашасини айримларга сабоқ бўлар, деган фикрда хийла батафсилроқ баён этдик. Қонун асосида тўғри ҳал этилган бу низоли муаммога ўзаро ноаҳиллик туртки бергани ва қанча асаббузарликларга, ортиқча меҳнат ҳамда ташвишларни келтириб чиқаргани шундоқ кўриниб турибди. Зеро, оилалар аҳил ва тинч-тотув бўлса, бундай низоларга ўрин қолмайди.

Салоҳиддин РОЗИҚОВ,
ҳуқуқшунос
Абдуҳошим МАДАТОВ,
журналист

Mulohaza uchun mavzu

Фарзанд ҳаёт давомчиси ҳисобланади. У оила деб аталмиш муқаддас даргоҳнинг бебаҳо ганжинасидир. Оилада фарзанд дунёга келиши нафақат ота-она, балки қариндош-уруғлар учун ҳам олам-олам шодлик олиб келади. Шундан сўнг ота-она олдида маъноли ва чиройли исм қўйиш вазифаси кўндаланг бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, аждодларимиз тарихий-ҳаётий тажрибаларидан келиб чиқиб, исм қўйишда учта асосий жиҳатга алоҳида эътибор қаратишган.

ИСМДА ҲАМ ҲИКМАТ БОР...

Биринчидан, исм ҳар бир шахснинг бошқалардан фарқ қилувчи, қалбан фахри ва ёруғ дунёга келгандаги биринчи муқаддас мулки ҳисобланади. **Иккинчидан,** фарзанднинг маъноли ва чиройли исми ўзи учунгина эмас, балки бутун хонадон учун ҳам фахр ва фазилат демакдир. Шу боис исм танлаб қўйилади. **Учинчидан,** исм тарбия воситаси вазифасини ўтайди.

Асрлар бўйи ҳаётий тажрибаларда шу нарса ўз тасдиғини топганки, маъно жиҳатидан мукаммал исм ўз соҳибининг хулқ-атворига, табиатига, етуклигига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Ўз исми маъносини ёшлигидан англаб етган боланинг одоб-ахлоқи, тарбиясида ижобий ўзгаришлар юз бериши ҳам айни ҳақиқат.

Шу сабабли фарзандга исм танлашда бефарқлик, лоқайдликка йўл қўймаслик керак. Исм олтин узукка марварид кўз қўйгандай мос бўлиши лозим. Бироқ ҳамма ҳам бу мезонларга амал қилавермайди.

Баъзида таг-туги ўзбек бўлган болаларга «Жасмина», «Динара», «Луиза», «Алберт», «Анатолий» сингари исмлар қўйилганига гувоҳ бўламиз.

Бу билан ана шундай исм эгаларини камситиш фикридан мутлақо йироқмиз. Лекин ўзбек боласини юқоридаги исмлар билан атаб чақириш бачканаликдек туюлиши бор гап. Миллий табиатимизга тўғри келмайдиган бу каби исмларнинг қўйилиш сабаблари билан қизиқсангиз, фарзандларига ана шундай исм танлашган ота-оналар «замонавий исм» сифатида танлашганини айтишади.

Ҳолбуки, исм қўйишда замонавийлик эмас, миллийлик муҳим аҳамиятга эга. Чунки исм ҳар бир кишининг ўзига хос белгиси, қиёфаси ҳам демакдир. Шу маънода, хорижий телесериаллар қаҳрамонлари номидан олинаётган исмлар бир кун келиб ўша исм соҳибининг норозилигига сабаб бўлишини ҳам унутмаслик керак.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, фарзандга исм қўйиш ҳам ғоят масъулиятли вазифалар сирасига киради. Бунда миллийлик ва маъно-мазмунга алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

Гулбаҳор ШАҲАРОВА
Фориш тумани



Табиат мўжизаси

Dunyoning ishlari

Буюк истеъдод соҳибларининг тириклиги ҳам, ўлими ҳам ҳамиша адоғи йўқ шов-шувлар қуршовида бўлади. Масалан, австралиялик тенгсиз композитор Моцартнинг оламдан ўтганига икки юз йилдан ошган бўлса-да, унинг ўлими билан боғлиқ миш-мишлар, текширувлар ва турлича хулосалар ҳозир ҳам тўхтагани йўқ. Юзлаб тарихшунослар, мусиқашунослар, ҳуқуқшунослар, криминалист ва шифокорларнинг тинимсиз текширув олиб бораётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

БОҚИЙ ҲАЁТ СИРИ

Моцартнинг ўлими сўнгги юз йил ичида юз хилдан кўпроқ тахмин билан боғланади. Албатта, бу борада «Моцарт ўз замонасининг яна бир машҳур композитори, рақиби Антонио Сальери томонидан заҳарлаб ўлдирилган» деган тахмин текширувчиларнинг хулосаларини турли натижаларга келтириб тақади. Натижаларки, бундан фойдаланган кўпгина ижодкорлар турли асарлар ёзишга киришишди. Пушкиннинг «Моцарт ва Сальери» трагедияси, Девид Вайснинг «Моцартнинг ўлдирилиши» асарлари шулар жумласидандир. Энг машҳур режиссёрлар томонидан суратга олинган «Аладей» фильми ҳам Моцартнинг ўлимида бевосита Сальерининг қўли борлиги ҳақида ҳикоя қилади. Иккала мусиқашунос сира бир-бири билан келишолмаганининг оқибати Сальерининг Моцартни заҳарлаб ўлдиргани билан якунланганини такрорлайди. Ҳатто 1982 йил Зольцбург шаҳрида «Аква Тоффана» спектакли намойиш этилиб унинг воқеалари замирида Моцартнинг Сальери томонидан заҳарланиши билан боғлиқ суд иши намойиш этилади. Бироқ бу тўғридаги барча текширув хулосалари ҳамда яратилган асарларда камдан-кам ҳолатлардагина ишончли асосларга таянилган. Бундай бўрттирма асарларнинг кўпайиб кетишини тўхтатиш мақсадида ҳамда ўша асарлардаги воқеаларни инобатга олган ҳолда 1997 йил Италиянинг Милан шаҳрида Моцартнинг заҳарланиши юзасидан суд бўлиб ўтади ва унинг барча қатнашчилари Моцартнинг ўлимида Сальерининг айби йўқ, деган тўхтамга келади.

Бироқ суднинг хулосаси бир томонда қолиб кўпчилик барибир Сальерини қотил сифатида айблашда давом этаверди. Бунинг сабаби шундан иборатки, буюк композиторнинг ўлимидан сўнг кўп ўтмай Антонио Сальери «Албатта, Моцарт сингари композиторнинг оламдан ўтгани катта йўқотишдир. Аммо унинг ўлими биз учун яхши бўлди. Негаки, Моцарт тирик бўлганда бизнинг нонимиз ҳамиша яримталигича қолаверар эди», деган эди. Орадан кўп йиллар ўтгач, яна бир тарихшунос олим Гвид Адлер Италиядаги катта архивни титиб кўрар экан, Антонио Сальери қариб, бир оёғи гўрнинг ёқасига бориб қолган бир пайтда Моцартнинг заҳарлаганини тан олганлиги тўғрисида маълумотни топиб олади. Ва бу тўғрида йиллар давомида ҳеч кимга оғиз очмайди.

Немис шифокорлари бўлмиш Карнер билан Дуда Моцартнинг ўлими хусусида барча маълумотларни йиғиб, унинг ҳақиқатдан ҳам, «сулемо» деб номланган модда билан заҳарланганини исботлашди. Бироқ яна шуни таъкидлашдики, агар инсон танаси «сулемо» билан заҳарланса, у 5-10 кунда вафот этади. Лекин Моцарт заҳарланган, дея тахмин қилингандан кейин ҳам касал ҳолда анча яшаган.

Карнер билан Дуданинг сўнгги хулосаларига кўра, Моцартни айнан Сальери эмас, балки бошқа бир киши заҳарлаган. Унинг кимлигини ҳатто Моцартнинг ўзи ҳам билмайди. Профессор Лехтенштейннинг фикрича, буюк композитор мияси, юраги ва жигарига инфекция тушиши натижасида ҳалок бўлган. Лехтенштейннинг фикрини австриялик профессор ва мусиқашунос Антон Неумаер ҳам қўллаб-қувватлайди ҳамда Моцартнинг ўлимига туғма ангина касаллиги сабаб бўлгани ҳақида ёзади.

1983 йили англиялик Фрэнсис Карр ўзига хос текширув ўтказади. Унда дунёнинг турли мамлакатларидан юристлар, журналистлар, мусиқашунослар ва адвокатлар иштирок этишади. Барча иштирокчиларнинг йигирма саккиз фоизи ҳақиқатдан ҳам, Моцартни Сальери заҳарлаган, деган умумий фикрга келишади. Ўттиз тўққиз фоизи эса буюк композиторни ўз шогирди Зюсмайр заҳарлаганини айтади. Олтмиш фоиз қатнашчилар эса Хофдемель деган шахс Моцартни қасддан заҳарлаган, дея муносабат билдиришади. Қотиллар сафига йўқ жойдан Хофдемелнинг киритилганига эса унинг гўзал турмуш ўртоғи Магдалена билан Моцартнинг ўзаро устозшогирд масаласи сабаб бўлади. Манбаларда таъкидланишича, Моцарт Магдаленани ёқтириб қолган. Иккаласи ҳамкорликда ишқ-муҳаббатга доир оламшумул симфониялар яратишган.

Хофдемель ўша даврнинг бадавлат шахсларидан бири бўлган. Магдалена ва Моцарт учаласи тез-тез бирга тушлик қилиб туришган. Рашкдор эр ҳар тушлик пайтида Моцартнинг қадаҳига озоздан заҳар қўшиб турган, деган тахминлар ҳам йўқ эмас.

Яна шундай ишончли факт ва далиллар ҳам борки, Моцарт билан Хофдемелнинг муносабати ёмон бўлмаган. Ҳатто Моцарт ундан вақти-вақти билан қарз олиб турган. XX асрга келиб эса австриялик драматург Франц Грильпорцер йирик тарихий асар ёзади. Ушбу асарида у Моцарт фақат Хофдемель томонидан заҳарланган, деган қатъий қарорга келади ва шундай дейди: «Хофдемель давлат идорасида ишлар эди. Хотини Магдаленани Моцартдан рашк қилган ҳамда қандай бўлмасин Моцартни ўлдириш пайида бўлган. Ушбу мақсадига етгач, маҳаллий полиция унинг жиноятини яшириш учун Моцартнинг мурдасини ҳеч ким билмайдиган ва излаб тополмайдиган жойга дафн қилишни буюрган».

Аслида, бу гапда ҳам жон бор. Негаки, Моцартнинг рафиқаси 16 йил давомида эрининг қабри қаерда эканини билмаган. Моцарт ким томонидан ва қачон қўлдирилганидан қатъи назар, ҳеч ким бу борада тўғри ва аниқ хулосага келгани йўқ. Эҳтимол, уни хотини ҳам заҳарлаган бўлиши мумкин. Бундай дейишимизга, албатта, Моцартнинг машҳурлиги, аёлларга нисбатан бепарво эмаслиги ҳам етарли сабаб бўла олади. Қотиллар рўйхатида эса шогирд ва дўст — мусиқашунос Зюсмайр ҳам то ҳаётининг охирига қадар устозининг ўлими ҳақида ҳеч кимга «лом-мим» демаган.

Умуман, буюк санъаткорнинг ўлими ҳақида турли-туман тахминлар билдирилган. Бу эса унинг дурдона асарлари туфайли инсонлар қалбида абадий яшаётганидан далолатдир.

Хорижий матбуот материаллари асосида ЎзДЖТУ талабаси Райҳона ХОЛМУРОДОВА тайёрлади

ЭЪЛОН!

Сирдарё вилояти адлия бошқармаси Гулистон шаҳар 1-сонли давлат нотариал идораси нотариуси ва Ховос тумани 2-сонли давлат нотариал идораси нотариуси лавозимларига танлов эълон қилади. Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлган, олий юридик маълумотли Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Талабгорлар танлов газетада эълон қилинган кундан бошлаб, бир ой муддатда Сирдарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилишлари мумкин.

Талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим:

1. Нотариат бўйича Малака комиссияси номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорлар — қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар — тегишлича Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Мурожаат учун манзил: Сирдарё вилояти, Гулистон шаҳри, Ал-Хоразмий 24.
Маълумот учун телефон: 25-09-69, 25-00-93, 25-01-55.

Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси вилоятнинг Узун, Бандихон, Қумқўрғон туман давлат нотариал идораларидаги биттадан бўш давлат нотариуси лавозимларига танлов эълон қилади.

Танловда иштирок этишни истаган, нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари танлов эълон қилинган кундан бошлаб, 1 (бир) ой муддат ичида Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ҳузуридаги нотариат бўйича Малака комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиб, лекин уч йил мобайнида нотариус лавозимида иш бошламаган талабгорлар — қайта малака имтиҳонини топширганлиги ҳақида малака комиссиясининг қароридан кўчирма;
7. Адлия вазирлиги ёки адлия бошқармасида нотариат ишига бевосита раҳбарлик қилиш билан боғлиқ вазифаларда ишлаб келаётган талабгорлар — тегишлича Адлия вазирлиги раҳбарияти ёки адлия бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланган ҳамда ушбу талабгорнинг ишлаб келаётган лавозими ва ўз лавозимига мувофиқ унга юклатилган вазифалар аниқ кўрсатилган маълумотнома;
8. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танлов вилоят адлия бошқармаси биносида ўтказилади.
Манзилимиз: Термиз шаҳар, А.Икромов кўчаси, 40, тел: 7-57-98

Умрнинг моҳиятини ҳар ким ҳар хил англайди. Кимдир ўзига берилган қисқагина даврда ортидан яхши ном қолдиришни ният қилиб, эзгу ва савоб ишларга қўл уради. Атрофдагиларга яхшилик улашади. Аксинча, ҳаёт гўзаллиги, унинг қадр-қимматини ҳис қилмаганлар нафақат ўзларига, балки атрофдагиларга ҳам ғам-ғусса, ғурбат келтиради. Яна шуни таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи кимсалар бир марта адашиб ёмон йўлга кириб қолса, минг марта тавба қилади. Эл-юртнинг мадади билан тўғри йўлга қайтади. Айримлар эса қайта-қайта разолат ботқоғига ботаверади...

Jinoyat va jazo

“УЧ ОҒАЙНИ БОТИРЛАР”

Суд очерки

Бугунги мақоламиз «қаҳрамони» — Дилшод Ортиқов ҳам ёмонлик гирдобга тушиб қолганлардан биридир.

У илк марта 1998 йилда Жиноят кодексининг 276-моддаси, 2-қисми «а,б» бандлари билан судланганида 33 ёшга кирган эди. Ор-номусли инсон бир марта ҳаёт сўқмоқларида адашгач, ундан сабоқ чиқаради. Дилшод эса ота-онаси, қариндош-уруғлари, ёр-дўстлари ишончини оқлаш ўрнига яна темир панжара ортига равона бўлди.

Хўш, унинг яна жиноят содир этиб, тақрор панжара ортига тушишига нима сабаб бўлди? Келинг, бирор-бир хулосага келишдан олдин воқеа тафсилоти билан танишайлик.

У 2004 йил март ойи бошларида Россия Федерациясининг Иркутск вилоятидан Бухоро шаҳрига қайтиб келди. Узоқ юртларда пешона тери эвазига топиб келган маблағини оиласи, бола-чақалари билан тинчгина баҳам кўриб юрганди. Бир кун шом пайти уйига эски таниши Абдулла Ҳамидовнинг кириб келиши бу тинчликка рахна солди.

— Пулинг кўпайиб кетдими, сира уйдан чиқмай қолдинг, — ҳазил аралаш сўз қотди Абдулла Дилшодга. — Битта-яримта «тёмний» ишларимизга аралашсанг, ёмон бўлмасди. Ўлжа ўртада тенг тақсимланади.

— Мени кимлигимни биласан-ку?! Яхши “иш” бўлса, қочадиган номард йўқ. Аввал қанақа «иш»лигини айт. Маъқул келса, борганим бўлсин!

— Унда кечга уйга ўт. Ўша ерда гаплашиб оламиз,–деди Абдулло.

Қисқаси, 21 апрел куни оқшом маҳали Дилшод Абдуллонинг уйига кириб борди. Аввалдан келишилганидек, бу ерда уни Абдулла билан унинг дўсти Шокир Шарипов кутиб ўтирган экан. Уч оғайни ботирлар кайфиятни кўтариш учун қиттак-қиттак отиб олишди. Шундан сўнг суҳбат ўзани ўз-ўзидан “иш” масаласига айланди.

— “Талиха” кўчасини биласизлар, — шерикларига юзланди Шокир. — Шу кўчада бир бойвачча яшайди. Сандиғидаги «кўк»ининг ҳисобини ўзи ҳам билмайди. Мен ўша сирли сандиқда 18.000 доллар борлигини аниқ биламан. Агар кутилмаганда бостириб кирсак, бир кечада биттадан гижинглаган тойчоқдек машинанинг пулини ишлаб оламиз...

— Мен тайёрман, — деди ўн саккиз минг долларни дарагини эшитган Дилшод.

— Мен ҳам, — унга қўшилди Абдулла.

— Дангалликларингизни ўзим ҳам билардим. Аммо...– кутилмаганда чайналди Шокир. Унинг гапни чўзиши Абдуллага ёқмади. Шунинг учун:

— Яна қанақа “аммо”? Бошқа бирор-бир “проблема” бўлса, айт, ҳал қиламиз,–деди у қизишган куйи.

— Уйнинг эгасини қўрқитиш учун қурол керак,– деди Шокир.

— Анқонинг уруғи эмас экан-ку. Қурол бўлса қурол-да, дўстим, — шундай деб Дилшод шаҳд ўрнидан туриб, кўчага чиқиб кетди...

Дўстлари Дилшоднинг қаерга кетгани ҳақида баҳслашиб турган бир пайтда у шу атрофдаги эски завод олдига келди. Қоронғу бўлишига қарамай бир пайтлар ўзи селофан пакетга ўраб милтиқ кўмган жойини бехато топди. Қуролни ердан кавлаб оларкан, яна кўз олдида ўн саккиз минг доллар намоён бўлиб, ширин энтикиб қўйди. У қуролни қўлига олгач, тезда изига қайтди.

— Мана, милтиқ, — деди у Абдулланинг уйига кириб келгач, тантанали оҳангда.

Абдулла ва Шокир дам милтиққа, дам Дилшодга ҳайрат билан тикилиб қолишди.

— Аввал милтиқни мендан олганларингни ҳеч кимга айтмайман, деб сўз беринглар, — паст овозда гапирди Дилшод. — 1957 йилда ишлаб чиқарилган икки нилли 12 калибрли ўқотар қурол бу.

Шериклари ўз навбатида бу ҳақда ҳеч кимга чурқ этмасликка сўз бериб, қўл ташлашишди.

Шишалар кетидан шишалар думалайверди. Бу орада даврага Абдулланинг укаси Амрулло ҳам қўшилди. Охир-оқибат “уч оғайни ботирлар” босқинчиликни шу кечадан қолдирмай амалга оширишга келишдилар. Уларнинг сафига Амрулло ҳам қўшилди. Шундан сўнг ўзлари учун қора ниқоблар ва қўлқоплар тайёрлашди. Хуллас, худди кинолардаги босқинчилар каби ролга киришдилар.

Қадим Бухоро шаҳри сукунат оғушида. Ҳадемай тонг отади. Соат тонгги тўртларда босқинчилар «Самонийлар» истироҳат боғи оралаб “Талижа” кўчасига етиб келишди.

Келишувга биноан Дилшод ва Шокир девор ошиб, ҳовлига тушишди ва дарвозани ички томондан очишди. Шундан сўнг ҳовлига юзларига ниқоб кийган Абдулла ва Амрулло ҳам киришди.

Тўртовлон хонама-хона изғиб юрган бир пайтда уй эгаси Абдураҳим Тоҳировнинг қизи Зулфия уйғониб қолди. Уй ичида юрган уч нафар ниқобли кишини кўрган Зулфия бақириб юборди. Шошиб қолган ўғрилардан бири қизнинг оғзини бекитмоқчи бўлганида, қиз унинг қўлини тишлаб олди. Бу орада шовқин-сурон ва ёқир-чақирдан қизнинг отаси Абдураҳим ва онаси ҳам уйғониб, хоналаридан югуриб чиқишди. Воқеа бундай тус олишини кутмаган босқинчилар саросимага тушиб қолишди. Сичқоннинг ини минг танга бўлиб, кўча томонга қочаётган Шокир Шарипов дарвозахонада турган хонадон соҳиби Абдураҳим Тоҳировга дуч келиб қолди. Босқинчи ҳеч иккиланмай унга милтиқ ўқталди. Қарасаки, уй эгаси қўрқадиган эмас. Шунинг учун босқинчи ҳовли томон қочди. Уй эгаси барибир қўшнининг деворидан ошиб тушаётган Шокирни ушлаб олди. Ҳарчанд уринмасин, яхшигина отиб олган босқинчи Абдураҳимнинг чангалидан қутула олмади.

Ўзини йўқотиб қўймаган Дилшод эса ҳовлининг орқа томонига яширинишга улгурди. Маст бўлишига қарамай, орадан маълум фурсат ўтказиб, воқеа жойидан жуфтакни ростлаб қолди. Эртаси куни эса милиция ходимлари унинг изидан тушганликларини эшитиб, қўшни республикага қочиб кетди. Қолган “уч оғайни”-ни эса милиция ходимлари қўлга олишди.

Шокир Шарипов, Абдулла ва Амрулло Ҳамидовларга жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди қилмишларига яраша жазо тайинлади.

Дилшод Ортиқов эса қор ёғса, излар босилади, деб янглишган эди. Қолаверса, у халқимизнинг “бузоқнинг югургани сомонхонагача”, деган мақолининг мағзини чақмаган экан. Чунки у ҳам яқинда ҳуқуқтартибот идоралари ходимлари томонидан қўлга олинди ва 2006 йилнинг 5 апрел куни жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар судининг ҳукми билан унга нисбатан тўққиз йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Ушбу воқеани — бировни ёмонотлиқ қилиш мақсадида эмас, аксинча, ҳаётга енгил-елпи қаровчи айрим кишиларга сабоқ бўлсин, деган ниятда баён қилдик. Зеро, доно халқимиз айтганидек, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлади. Демак, тўғри йўл қолиб, эгри йўлни танлаган ҳар қандай одам вақти келиб ўз қилмиши учун жавоб беради. Шундай экан, ҳаётда қонун талаби билан яшаб, эл-юрт ҳурматига сазовор бўлиб юрганга не етсин...

Бобур УМАРОВ,
ҳуқуқшунос
Валижон ЮСУПОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ, Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Пўлат САМАТОВ, Мавжуда РАЖАБОВА, Хуршид СОДИҚОВ, Абдукамол РАҲМОНОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.
Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-815. Тиражи — 7500. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5 6